

"Сиҳат-саломатлик йили"
йўқламаси: Фарғона вилояти
2-3-4-бетлар.

Ushbu
sonda:

"Сиҳат-саломатлик йили"
йўқламаси: Андижон вилояти
4-5-бетлар.


O'ZBEKISTONDA SOG'LIQNI SAQLASH ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА

Tibbiyotning oliy
maqsadi — inson
salomatligiga
erishishdir.

Высшее благо
медицины —
здоровье.



❖ Gazeta 1995-yil oktabr oyidan chiqa boshlagan. ❖ № 40 (452) 2005-yil 11-17 oktabr ❖ Seshanba kunlari chiqadi. ❖ Sotuvda erkin narxda.



Кўп йиллик тажрибага эга бўлган, беморлар дардига даво айлаган шифокор Махмуджон Ибрагимов 35 йилдирки, Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани Марказий шифонасининг асаб касал-

ликлари бўлимида фаолият юритиб келмоқда. Бир жойда шунча вақт ишлашнинг ўзи бўлмайди. Бу давр мобайнида қанчадан-қанча тўсиқ ва қийинчиликларни енгиб ўтган фидойи, камтарин инсоннинг

меҳнатлари бекиёсдир. Махмуджон ака ҳеч бир инсоннинг касал бўлмаслиги, беҳудага асабийлашмаслиги ва одамлар орасида меҳр-оқибат янада мустаҳкам бўлишини дилдан ният қилади.

БЛАГОДАРНОСТЬ

Мне 71 год. Оба глаза совсем не видели. Долго не решалось на операцию. Дети уговорили. Обратилось в Республиканский специализированный центр микрохирургии глаза. Попала на прием к офтальмологу Гельмановой Татьяне Ивановне.

Татьяна Ивановна очень добрый, чуткий человек, грамотный специалист. Она лечит не только

медикаментозными средствами, но и добрым словом.

Операция прошла удачно. Зрение восстановилось. Я очень благодарна Татьяне Ивановне Гельмановой, анестезиологу Любови Николаевне Шепелевой и директору центра Зафару Умаровичу Сидикову.

Махфуза ШАНАЗАРОВА,
г. Ташкент.

Дил изҳори

ТИПАГИМ ЯГОНА — БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛИНГ!

Баъзида ўз соғлигимизга эътибор бермай, оқибатда унинг асоратлари қай даражага олиб келишини ҳаттоки, ўйлаб ҳам кўрмаймиз...

Қарийб бундан уч йил муқаддам олдин икки оёғимнинг бош бармоқ соҳасида шиш пайдо бўлиб, оғриқдан қаттиқ азият чекардим. Бу шунчаки шиш ёки оғриқ деб ўйлаб, ишдаги ва оиладаги юмушлардан четланиб қолмадим. Аксинча, туну кун ҳаракат қилиб, баъзан узок қақиримли масофаларни яёв кесиб чиқишга тўғри келарди. Ана шу пайтда оёғимдаги шиш гўё катталашгандек бўлиб, узок вақт оғриқдан қийналиб қолардим. Ҳаттоки, шишнинг олдини олиш, оғриқдан халос бўлиш мақсадида турли даво чораларини қўладим. Ҳар хил ванналар қабул қилиб, совуқ ва кўп юришдан ўзимни асрадим. Умидим — зора соғлигим яхшиланиб, шу йўл билан яқун топгандай бир зумда йиллар ўтиб кетганини пайқамабман ҳам. Афсуски, ўзим қўллаган даво муолажалари фойда бермагач, 1-Республика клиник шифонасининг травматология бўлими шифокорларига мурожаат этдим. Улардан бу ҳақда маслаҳат сўраганимда дардни фақат операция йўли билан халос этиш мумкинлигини айтишди. Менга қўйилган бундай қатъий чорани эшитиб, қўрқув исканжасида анча вақт бир қарорга кела олмай юрдим. Чунки, операциядан кейинги натижа мени кўпроқ ташвишга соларди. Шу зайдла кунлар кетидан ойлار ўтиб, оёғимдаги шиш тобора катталашиб, оғриқ кучайиб борди. Ҳаттоки, оёқ кийим кийишга ҳам қийналдим, баъзан юра олмай қолишим мумкинлигини ўйлаб, ўзимни операцияга руҳий жиҳатдан тайёрлай бошладим. Ниҳоят, қўрқувларим ортда қолиб, сўнгги нажотни травматолог шифокор Фулом ака Эшонкулов қўлига топширдим...

... Операция столида ётар эканман, хаёлларим ҳар томонга учар, юрагимдаги турли ўй-хавотирлар сира нари кетмасди. Икки соат... Бу дақиқалар шу лаҳзада мен учун нақадар қимматга эга эканлигини ўшанда тушуниб етдим. Етук ва тажрибали шифокорларнинг ишонч тўла сўзлари, умидлари қалбимдаги ички қўрқувимга дағда беради. Операциядан сўнг бир неча кун бўлим ходимлари назорати остида бўлдим. Соғайишим учун ҳамма қулайлик ва имкониятлар яратиб берилди. Гўёки, мен бу масканда оғир дарддан эмас, балки оғир ўй-хаёллардан халос бўлгандек эдим.

Мана ҳозирда иш фаолиятимни бошлаб юборганман. Уч йил олдинги оғриқ, қўрқув ва изтиробларга энди чек қўйилди. Юр-ялману, юрагимда хавотир йўқ. Оёқларимга қарасам текис ва чиройли.

Ана шундай дардли, қийновли кунлардан мени соғ-саломат олиб чиққан, барча оғриқларимга нукта қўйган малакали ва тажрибали шифокор Фуломжон Эшонкулов, бўлим мудри Аваз Мирзоидов ҳамда барча шифокорларга, шунингдек, қундалик аҳолимдан соат сайин доимий хабардор бўлиб турган ҳамма ҳамшираларга чексиз ҳурматим ва миннатдорчилигимни билдираман. Тилагим ягона. Қўлингиз дард кўрмасин! Қўллаб инсонлар соғлиғига-соғлиқ, умидига-умид бахш этаятган ана шу қувончли кунларда мен ҳам сизларга тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик ва оилавий хотиржамлик тилаб қоламан.

Хурмат билан
Нигора УЗОҚОВА.

ОБУНА — 2006

Азиз шифокорлар, ҳамширалар, энёлилар ва барча муштарийлар эътиборига!
Тиббиётдаги янгиликлар билан қадам-бақадам одимлашингизда Сизга мадад бўлишни ўз олдинга мақсад қилиб қўйган

«Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Давлаоохранение
Ўзбекистана» газетасига
2006 йил учун обуна мавсуми бошланди.
Бунга унутманг! Нашр индексимиз: 128.

РЕКЛАМА VA E'LONLAR: TEL.: 133-13-22, 133-57-73.

"Сихат-саломатлик йили" йўқламаси: Фаргона вилояти

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола соғлигини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатликни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва оилада турмуш тарзини соғломлаштириш, жисмонан бакувват фарзандлар туғилишини ва уларни баркамол қилиб тарбиялашни таъминлаш лойиҳалари ва тадбирларини амалга ошириш.

«Сихат-саломатлик йили» Давлат дастуридан.



Флора ИСЛОМОВА,
Фаргона вилоят туғруқ
уйининг бош шифокори.

Ичкарига кириб бораркансиз у ердаги озодлик, саранжом-саришталик ва тинчлик инсон дилига завқ бағишлайди. Коридор бўлаб туғруқхона бош шифокори Флора Юсуповна билан суҳбатлашиб кетар эканмиз, талабчан, қаттиққўл раҳбарнинг гапларига қараганда муассасада муайян ишлар амалга оширилиб, шу кунларда қайта таъмирлаш ишлари кетаётган экан. Жажжи фарзандларини бағрига босиб ётган оналарни кўриб, қувончимиз чексиз бўлди. Бир пайтлар фарзандларимизни фақатгина овқатлантириш учун ярим соат давомда қўлимизга тутқазишиб, уларнинг оёқ-қўлларини қаттиқ қилган ҳолда тагликларга ўраб олиб келишарди. Эндиликда эса, бундай ҳолатлардан чекинганлигимиз, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш ишларида бош бўлаётган мутасадди раҳбарларнинг сайҳаракатлари туфайли юзага келганлигининг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Республикамиздаги мавжуд туғруқ муассасаларида бўлганимизда соғлом ва носоғлом оналар ҳамда болаларни кўрардим. Лекин ушбу туғруқ мажмуасида мени ўйлантириб қўйдиган ёки изтиробга туширадиган ҳолатга кўзим тушмади. Чунки, юзларида табассум қақнаётган

Туғруқхона эшигидан кириб борар эканмиз, ҳовлидаги ўриндиқлардан бирида ўтирган бувижон ва оталик бахтига муяссар бўлган Шавкатжоннинг юзидаги қувончларини кўриб, улар билан суҳбатлашишга жазм қилдик. Шавкатжон жажжигина ўғлонининг дунёга келганидан шу қадар хурсанд эдики, уни бир сўз билан ифодалаш қийин. Бувижон набираси туғилгунча келинининг ёнида бўлиб, унинг дардига таскин берганлиги ва чақалоқ соғ-омон туғилганлигини қувонч билан айтди. Суҳбатимиз давом этаётган бир пайтда туғруқхона ичкарисидан шу дақиқада дунёга келган чақалоқнинг жарангдор йиғиси қалбимизга шодлик бахш этди.

— Аввало, соғлом онадан соғлом фарзандларни дунёга келтириш ва уларга малакали тиббий хизмат кўрсатиш ишларини тўғри йўлга қўйиш лозим, — дейди Флора Исломовна биз билан суҳбат чоғида. — Муассасамизда 150 нафар

лиш муҳим ҳисобланади. Ақсарият ҳолларда ҳомиладор аёлларимиз ҳомила ривожланмаётган бир пайтда ўз соғликларига эътибор бермай қўядилар. Натижада туғруқ жараёнида қатилмаган нохушликлар юз бериш ҳолати кузатилади.

таҳкам бўлиб, соғлом фарзандлар туғилишига замин яратилади. Демак, давлатимиз томонидан яратилаётган шарт-шароитлар мавжуд экан, она ва бола соғлиги учун биз ҳам бор имкониятларимизни ишга соламыз.



ОЛАМ УЗРА ЯНГРАСИН "ИНГА"НГ

дан ортиқ ходимлар фаолият олиб боришади. 190 ўринга мўлжалланган хоналаримизнинг ҳар бири замон талаби даражасида жиҳозланган. Кадрларимизнинг барчаси ўз тажриба ва билимларига эга бўлиб, туғруқ, туғруқдан кейинги, патология, гинекология, реанимация ва лаборатория бўлимларида ҳомиладор аёлларимиз учун хизмат қилишмоқда. Бир қараганда бошқа шифохоналарга нисбатан биздаги масъулият катта. Чунки, халқ накли билан айтганда, "одамдан одам келади". Кўз олдингизга келтиринг-а, тўққиз ой, тўққиз кун, тўққиз дақиқа она вужудида ривожланган чақалоқнинг ёруғ дунёга келиши осон эмас. Ваҳоланки, унинг туғилиш вақтида онанинг чеккан "қувончли" азобини енгиллаштириш, она ва болани хавф-хатарсиз сақлаб қолиш учун биздан ўта хушёрлик талаб этилади.

Тажрибамдан келиб чиққан ҳолда шуни айтишим мумкин, оналардаги касалликларнинг асорати туғилажак фарзанд учун салбий таъсир кўрсатади. Назаримда аҳоли орасида экстрасистол касалликлар бўйича тарғибот ишлари олиб борилса-да, бироқ оила муҳитида тиббий саводхонликнинг етишмаслигини кўрамыз. Айниқса, ҳозирги кунда ҳомиладор аёлларимизда TORCH — инфекциясининг учраётганлиги бизни хавотирга солади. Бу инфекция асосида дунёга келажак болаларимиз ногирон бўлиб туғилдилар. Бунинг олдини олиш учун ҳомиладорликка тайёрланмаётган она албатта, тиббий кўриқдан ўтиб, даволаниш муолажаларини олиши шарт.

Хукуматимиз келажак авлод соғлигини ўйлаб, республика миқёсида "Она ва бола" скрипни марказларини ташкил этди. Бундан қўзланган асосий мақсад ушбу муассасаларда ҳомила уч ойлик бўлгандан сўнг унинг ривожланиши ва туғма нуқсонларнинг юзага келиш хавфи бориқлиги тегишли текшириб кўрилади. Мен бу тўғрида фикрларимни давом эттиришим мумкин. Лекин соғлом онадан соғлом фарзандни дунёга келиши аввало оила аъзоларига боглиқ, деб биламан.

Яна бир нарса бизни изтиробга соладики, севиб-севилиб ёки ота-онасининг қистови билан турмуш кураётган ёш келин-куёвларимиз тиббий кўриқдан таниш-билиш орқали номигагина ўтишади. Афсуски, улар ўзларига кечаётган касалликдан беҳабар бўладилар. Натижада улардан ногирон фарзандлар дунёга келади. Истардимки, ҳар бир бўлажак ота-она оила пойдеворини қуришдан олдин ўз вақтида тиббий кўриқдан ўтиб, шифокорнинг маслаҳат ва тавсияларига риоя қилсалар мақсадга мувофиқ бўларди. Улар кураётган оила мус-



Гулбаҳорхон Исломованинг қувончлари чексиз. У эгизак фарзандларнинг меҳрибон онажониси бўлганлигидан гоёат мамнун.

Ха, биз туғруқхона мажмуасини айланиб чиқар эканмиз, эндигина туғилиб, онаси бағрига талпинаётган жажжигина чақалоқларни кўриб, неки ташвиш бўлса барчасини унутдик. Уларнинг бегубор йиғиси, ширингина уйқуси, нозиккина ҳаракатлари қалбимизни ўзига ром этди.

Туғруқ уйининг бош шифокори Флора Юсуповнанинг дилдан хурсанд эканлигини англаб олиш қийин эмас эди. Чунки, тажрибали шифокорнинг таъкидлашича, самарали ишлар олиб боришнинг натижасида эрта туғиш ҳолатлари, асоратли касалликлар ҳамда болалар ўлими камайган. Шунингдек, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти ва Фаргона вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан кўрсатилаётган ёрдамлар ҳам соғлом оналардан соғлом фарзандлар дунёга келишида муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада муассаса ходимлари туманларда бўлиб, у ерда долзарб мавзулар бўйича семинарлар ўтқазишиб, жойлардаги тиббиёт ходимларига амалий ёрдам бериб келмоқдалар. Хафтанинг ҳар шанба кuni эса вилоят миқёсидаги неонатологлар учун йиғилиш бўлиб ўтади.

Барча ишларнинг амалдаги ишоти сифатида турли хилдаги буклетлар, стандарт ва алгоритмларнинг ишлаб чиқарилаётганлиги тиббиёт ходимлари ҳамда аҳоли учун кўл келмоқда.

Биз сўзимизга яқун ясар эканмиз, туғруқ уйи аҳил жамоасининг келгусидаги эзгу ишларига омад, ўзларига эса битмас-туганмас соғлиқ тилаб қоламиз.



Мадхия СУЯРҚУЛОВА,
акusher-гинеколог.

— Ўн беш йиллик фаолиятим давомда кўплаб оила-ларга қувонч бахш этдим, десам янглишмаган бўламан. Лекин меҳнат жараёнида ҳар қандай қийинчиликларга ҳам дуч келиш мумкин. Шундай пайтда иккиланмасдан бор билим ва маҳоратни ишга солишга олди.

оналар ва улар ёнида ётган соғлом болажонларни кўриб, ушбу даргоҳда келажагимизнинг баркамол авлодлари дунёга келаётганлигига ишончим комил бўлди. Шунингдек, Флора Юсуповна 2004 йилда 45 нафар эгизак фарзандларнинг соғлом туғилганлиги ва улар бутунги кунда ўсиб-улғаяётганлигини фахр билан тилга олди.

Аҳолининг кенг қатламлари фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини яратиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ташхис ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

«Сихат-саломатлик йили» Давлат дастуридан.

ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИНИНГ БИР КУНИ

Тиббиёт соҳасини ҳам ҳаётимиз кўрки бўлган хотин-қизларсиз тасаввур этиш қийин. Республикаимизнинг қайси бир тиббиёт муассасасида бўлмайлик, ходимларнинг кўпчилиги қисmini аёллар ташкил этганини кўрамиз. Айниқса, қишлоқ врачлик пунктларида аҳолига тиббий хизмат кўрсатаётган шифокору ҳамширалар меҳнатини кўриб, тўлқинланиб кетамиз. Чунки, табиатан аёл зотиға хос бўлган меҳрибонлик, самимийлик, ҳушмуомалалик ва қўнчоқлик айнан тиббиёт ходимига зарур бўлган хислатлар ҳисобланади. Шу хислатларни ўзида муҷассамлаштирган аёл шифокорларимиз айнан биз ҳикоя қилмоқчи бўлган Фарғона вилоятининг Фарғона туман Шохимардон қишлоқ врачлик пунктида фаолият юритмоқдалар...

Биз ушбу қишлоқ врачлик пунктига кириб борар эканмиз, биринчи навбатда муассаса ҳудудига ҳавас қилдик. Негаки, ранг-баранг гуллар, ям-яшил бундай манзара ҳар қандай кишининг баҳри-дилини очади. Оқ халатлари ўзларига ярашиб турган, истарали, ҳушмуомала шифокор ва ҳамшираларнинг табассум билан пешвоз чиқишлари кайфиятимизни янада кўтариб юборди. Бугунги кун талабига жавоб бера оладиган қишлоқ врачлик пунктининг жиҳозланиши ва кадрлар билан таъминланиши ҳам таҳсинга лойиқ деса янглишмаган бўламиз. Бундай эътирофни давом эттиришимиз мумкин, лекин 7 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатаётган меҳнатсевар ходимларнинг бир кунлик фаолиятлари тўғрисида уларнинг ўзлари билан бўлган суҳбатни эътиборингизга ҳавола этганимиз маъқул деб билдик.

Махбуба СОТИВОЛДИЕВА, КВП мудираси (педиатр).


— Қишлоқ врачлик пункти 2001 йилнинг 1 сентябидан фаолият бошлаган. Албатта, янги муассасага кўчиб ўтши, уни замон талаблари даражасида жиҳозлаш, шунингдек, малакали кадрлар билан таъминлашнинг ўзи бўлгани йўқ. Ҳукуматимизнинг бирлашти бўғинига бўлган эътиборини чуқур англаб етadиган бўлсак, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш масаласи биринчи ўринда туради. Ҳудудимизда 7 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Уларга 2 нафар врач ҳамда 15 нафар ҳамшира тиббий хизмат кўрсатишади. Муассасамиз асосан "Саломатлик-1" лойиҳаси томонидан тўла жиҳозланган. Мавжуд хоналар лойиҳанинг режалари асосида янги тиббий асбоб-ускуналар учун мослаштирилди. Ходимларимиз эса лойиҳа доирасидаги умумий амалиёт шифокори ҳамда ҳамшираларини тайёрлаш

курсларида таҳсил олиб қайтдилар. Мутасадди раҳбарлар томонидан яратилган ушбу қўлайликлар аҳоли билан муқаммал ишлашимизга катта ёрдам бўляпти. Хулоса қилиб айтганда беш йиллик фаолиятимиз давомида муваффақиятли натижаларга эришдик. Ходимларимиз ўз меҳнатлари билан аҳолининг тиббиётга бўлган ишончини ҳамда шифокорга бўлган ҳурматини қозонишга муваффақ бўлишди. Чунки, улар аҳоли орасига оила аъзоси сифатида кириб бориб, касалликларнинг олдини олиш, унинг келиб чиқиш сабаблари, асоратлари ва касални даволаш жараёналари тўғрисида маълумот бериб, уларнинг тиббий саводхонлигини оширишда ҳам ўз ҳиссаларини кўшиб келмоқдалар. Гап КВПнинг бир кунлик иш фаолияти тўғрисида борар экан, келинг яхшии мавзунинг давом эттиришни ҳодимларимизнинг ўзларига берсак.

Саодат ОМОНОВА, лаборант.

— Авваллари битта таҳлил учун бемор марказий шифонага мурожаат қилар эди. Эндиликда эса яратилган янги шароитлар тўғрйли беморлар бундай оворагарчиликдан қўтилишди. Замонавий таҳлил аппаратлари

ҳақиқат. Чунки, реактив бўлсагина, беморнинг касаллик ташхиси унинг таҳлилида кўринадди. Лекин мутахассис албатта малакали бўлиши зарур. Ҳар бир мавсумий касалликларда беморлар лабораторияга жуда кўп мурожаат қилишади. Агар бир кунлик иш фаолиятим тўғрисида гапирадиган бўлсам, бир кунда 15 тагача бемор қабул қилиш ҳолатлари бўлади. Бундан ташқари назоратда турган, ногиронлар ҳамда муассасага кела олиш имконияти бўлмаган беморлар учун уйлариға бориб керакли таҳлилларни олиб келаман ва натижаларини шифокор ва ҳамшираларга топшираман. Ўз ишимни жуда яхши кўраман. Жамоамиз аҳил, билмаганларимизни бир-биримиздан сўраб керакли маслаҳатлар оламиз. "Саломатлик-1" лойиҳаси томонидан берилган ўқув қўлланмалари ҳам иш жараёнимда катта ёрдам бераёпти. Давлатимиз яратган бундай имкониятлардан унумли фойдаланиб, аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда давом этаверамиз.



нинг мавжудлиги ҳам фаолиятимиздаги қийинчиликларни бартараф қилди. Айрим лабораторияларда мумаммо бўлган реактивларнинг доимий борлиги беморлар учун ҳам, биз лабораториялар учун ҳам анча энгилликларни туғдиргани

— Муассасамиздаги фаолиятларнинг барчаси бир-бирига чамбарчас болганган. Шу пайтгача бирор бемор ҳамкасбларимдан шикоят қилганини эшитганим йўқ. Бунга сабаб ходимларимиз шундай ҳамжихатликда ишлашадиган, агар биронтимиз қақирувгами ёки йиғилишга кетган бўлсак, бизнинг фаолиятимизни ҳамкасбимиз давом



эттираверади. Врачдан олдин қабул қилинчи ҳамширанинг фаолияти тўғрисида кўпчилик тўлиқ тасаввурга эга эмас. Шунинг учун ўз фаолиятим ҳақида қисқача маълумот берсам. Бу янги лавозимнинг очилиши шифокорларимиз учун қисман энгиллик бўлди десам хато бўлмас. Чунки, авваллари беморларни қабул қилиш, ташхис

— Бугунги кунда ҳомиладор аёлларимиз орасида экстрагенитал касалликларининг ортиб бораётганлиги барчани ташвишга солмоқда. Айниқса, камқонлик касаллиги ҳомиладор аёллар ва уларнинг туғилажак фарзандлари ҳаётига ҳавф солаётганлиги ҳеч биримизга сир эмас. Ҳудудимизда 7000 нафар аҳоли истиқомат қилса, шулардан 1842 таси туғиш йишдаги аёлларни ташкил этади. Қабулимизга мурожаат қилаётган ҳомиладор аёлларда кечаётган касалликлар хусусида суҳбатлашганимизда, улар кўп ҳолларда ўзларида кечаётган касаллиқни тўлиқ билишмайди. Биз мана шуларни инобатга олган ҳолда биргина ҳомиладор аёл эмас, балки оила аъзолари билан гаплашиб, тарғибот ишларини муқаммал олиб бордик. Шунингдек, ҳомиладор аёллар учун Соғлиқни сақлаш



Лолаҳон КЎЗИЕВА, врачдан олдин қабул қилувчи ҳамшира.

қўйиш, уларни керакли муолажаларга жўнатиш фақатгина шифокорнинг зиммасида бўлиб, ҳамшира шифокорнинг кўрсатмасини бажарар эди, гарчи унда касбий маҳорат кучли бўлсада. Кейинги пайтларда "Ҳамширалик иши"га бўлган эътибор туфайли вилоятимиз ҳамширалари Исроил ва Япония давлатларида малака ошириб қайтишгандан сўнг юқоридаги лавозим очилди. Барча тиббиёт муассасаларида «Ҳамширалик жараёни ва ёзуви» тарғиб қилинди. Эндиликда ҳамширалар ўзларининг мустақил фикрларига эга бўлиб, беморларга ташхис қўйиш ҳамда врачдан олдин билик ҳолатларини сўраб, кардиолог врачга мурожаат қилишнинг айтидм. Лекин ўзининг ташхисини қўйдим ва врачга боргунча керак бўлган муолажани қўладим. Кардиолог врач қўйган ташхис мен қўйган ташхисга тўғри келди. Худди шу кун тўққизта бемор қабул қилган бўлсам, мен қўйган ташхис ва парвариш бесама қетмади. Шу нарсани англаб етдимки, ҳузурингизга келган беморнинг дардини тинглай билиш қобилиятига эга бўлишингиз керак экан. Вақти келганда эса руҳшунос, ҳатто санъаткор бўлишга ҳам тўғри келади. Бунинг замирида касбга бўлган маҳорат ва тажриба ётади.

ишончлари ортди. Аввало, КВПмиз мудираси Махбуба опадан гоят миннатдорман. Улар ҳар гапларида муассасанинг асосий таянчи бўлган 15 нафар ҳамширалар меҳнатини доим тилга оладилар. Бир кунлик иш фаолиятимда 12-13 нафар беморлар қабулимга келади. Гоҳида бундан ҳам кўпроқ беморлар мурожаат қилишади. Кўни кеча беморлар ҳар хил касаллик билан мурожаат қилиб келишди. 8 ёшли болада аллергия ҳолати юз берган. Унинг сабабларини аниқлаб, тезда муолажа ишларини бошлаб юбордим. 48 ёшли киши юрак хуружи касаллигидан шикоят қилиб келди. Дарҳол касаллик ҳолатларини сўраб, кардиолог врачга мурожаат қилишини айтидим. Лекин ўзининг ташхисини қўйдим ва врачга боргунча керак бўлган муолажани қўладим. Кардиолог врач қўйган ташхис мен қўйган ташхисга тўғри келди. Худди шу кун тўққизта бемор қабул қилган бўлсам, мен қўйган ташхис ва парвариш бесама қетмади. Шу нарсани англаб етдимки, ҳузурингизга келган беморнинг дардини тинглай билиш қобилиятига эга бўлишингиз керак экан. Вақти келганда эса руҳшунос, ҳатто санъаткор бўлишга ҳам тўғри келади. Бунинг замирида касбга бўлган маҳорат ва тажриба ётади.

Сайёрахон СОТИВОЛДИЕВА, доя.



вазирлиги ҳамда халқаро ташкилотлар томонидан тайёрланган тарқатма материал ва буклетларни тарқатиб, аҳоли ора

сида суҳбатлар ўтказдик. Буларнинг натижаси эса яхшигина самара берди. Бу албатта жамоамиз ходимларининг ҳамкорликда олиб борган ишларининг махсулидир. Оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш ишлари кенг йўлга қўйилган экан, бу болада соғлом онадан, соғлом фарзанднинг туғилиши учун биз тиббиёт ходимлари аҳоли билан ҳамкорликда иш олиб боришимиз муҳим деб ўйлайман. Тиббиёт ходими сифатида шуни таъкидламоқчиманки, оила курадиган ёш келин-куёвлар тиббий кўрикдан ўтиб, соғлиқлари учун керакли хулосага эга бўлсаларгина, оиланинг соғлом бўлишига асосий пойдевор яратилади.

(Давоми 4-бетда).

ҚИШЛОҚ ВРАЧЛИК ПУНКТИНИНГ БИР КУНИ



(Давоми. Боши 3-бетда).

Биз қишлоқ врачлик пунктининг мудираси билан суҳбатни давом эттирар эканмиз, куйинчак раҳбар Маҳбуба Со-

тиводиеванинг келгусидаги режалари тўғрисида ҳам ижобий хулосага эга бўлдик. Чунки, Маҳбуба опанинг асосий мақсади аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш, бунинг учун аҳоли орасига кириб бориш, тиббий кўрикларни ўз вақтида ўтказиш ва соғломлаштириш ишларини мукамал даражада амалга оширишдан иборат.

Фидойи раҳбарнинг билдирган фикрларидан узоқни ўйлаб, яъни келажак авлодларнинг соғлом, баркамол бўлиб вояга етишлари учун бор куч-имкониятлари ва билим-тажрибаларини аямаётганлигини сезиш мушкул эмас. Лекин биз хизмат сафари давомида фақатгина қишлоқ врачлик пунктининг икки соатлик иш жараёнини кузатишди. Фаолиятда ҳар кунлик кечадиган жараёнлар ҳамда унинг ташвиш ва қийинчи-

ликларини шифокору ҳамширалар жуда яхши билишади.

Шуни алоҳида эътироз билан айтиш керакки, халқ орасида бўлганимизда уларнинг тиббиётга бўлган ишончи йўқлигини сезамиз. Гоҳида айб кимда экан, деб ўйлаб қоламиз. Кўп ҳолларда шифокорларни айблаймиз. Ваҳоланки, инсонларнинг ўз соғликларига эътибор бермасликлари, шунингдек, шифокорга вақтида муурожаат қилмасликлари ана шундай ҳолатларга олиб келади. Чунки, халқнинг тиббий саводхонлиги етарли даражада эмас. "Қарс икки қўлдан чиқади", деганларидек, тиббиёт ходимлари ва аҳоли ўртасидаги боғлиқлик чамбарчас бўлса ҳамда шифокорлар тарғибот ва ташвиқот ишларини тўғри олиб борсаларгина халқнинг тиббий саводхонлигини оширишга эришиш мумкин.

Биз ушбу замон талаби даражасидаги қишлоқ врачлик пункти-



нинг бир кунлик фаолияти билан танишиб қайтар эканмиз, у ердаги шарт-шароит ва кадрларнинг касбий маҳоратга бойликлари ҳамда аҳолининг мамнунлиги давр талаб қилган мезонга

хос эканлигининг гувоҳи бўлдик. Шу боис, ўзларининг камтарона меҳнатлари билан аҳолига беминнат хизмат кўрсатаётган "Шоҳимардонбод" қишлоқ врачлик пунктининг жамоасига қуч-қувват тилаб қоламиз.

Ўзбекистон ҳудудида шундай жаннатмакон гўшаларимиз борки, унинг гўзал табиатига боқиб, зилол сувларидан тўйиб-тўйиб ичиб, тоза ҳавосидан баҳра оласан киши. Сервикор тоғларнинг хушманзараси, булоқ сувларининг мусқолиги, ҳуллас, буларнинг барча-барчаси она табиатнинг бизга инъом этган бетакрор мўъжизасидир. Қанчадан-қанча инсонлар тоғ-ён бағрларида жойлашган дам олиш сихатгоҳлари ва шифохоналарда даволаниб, у ернинг инсон саломатлиги учун нақадар афзал эканлигини фахр билан тилга оладилар. Довруғи бутун оламга кетган «Хумсон», «Чимён», «Чортоқ», «Оқтош», «Чотқол» ҳамда «Шоҳимардон» каби тоғ-ён бағрларида жойлашган дам олиш маскани ва сихатгоҳларининг таърифига сўз ожизлик қилади. У ердаги муолажалардан кўра соф ҳавосидан нафас олишнинг ўзи юз дардга даводир. Ана шундай ўзининг хусункор табиати билан инсонлар дардига даво бўлаётган «Шоҳимардон» тоғлари ва зилол сувларининг ёғинасида жойлашган «Юқори нафас йўллари хасталиклари саломатлигини қайта тиклаш» шифохонаси ҳам юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир.

СЎЛИМ ТАБИАТИ ДАРДЛАРГА ДАВО



Алишер МИРЗАЕВ,
бош шифокор.

Икки йилдан буён аллергия астма касаллиги билан жуда қийналиб келардим. Бу ерга келмасдан олдин Қува туманидаги шифохоналарда бир неча бор даволандим. Лекин дардимга даво топа олмадим. Кун сайин аҳволим оғирлашиб, оила аъзоларимни ташвишга сола бошлади. Айниқса, маъсумий касалликлар даврида дардим хуруж қилиб, тўхтовсиз йўталардим. Хатто, табиий гўёлар ҳам фойда қилмай қолди. Вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси Шоҳимардондаги мазкур шифохонага имтиёзли йўлланма беришди. Мана, бу ерга келганимга 12 кун бўлган бўлса, нафас олишим яхшиланиб, йўталиш деярли тўхтади. Муассасанинг тажрибали шифокор ва ҳамширалари ўтказётган муолажаларнинг фойдасини сезган бўлсам, об-хавосининг тозаллиги ҳам дардимни енгиллаштирмоқда. Ушбу шифохонанинг барча шифокор ва ҳамшираларига ўз миннатдорчилигини билдираман. Ва ҳар


йили икки марта келиб, даволаниб кетиш ниятидаман.

Махфиратхон ПУЛАТОВА,
Фарғона вилояти,
Қува тумани.

Ёшим 28 да. Бир неча йил олдин қаттиқ шамоллаб, грипп бўлдим. Биз кўп ҳолларда ҳар қандай касаллиқни ҳам эътиборсиз равишда ўтказиб юборамиз. Лекин унинг асорати нақадар оғир

ди. Биз каби беморлар учун ана шундай шарт-шароитларни яратиб берган муассасани раҳбарларга ва мазкур муассасада фаолият олиб бораётган барча тиббиёт ходимларига самимий миннатдорчилик билдириб, уларга таниқсоғлиқ, хуш кайфият ва эзгу ишларида омад ёр бўлишини тилаб қоламан.

Икромжон РАХИМОВ,
Марғилон шахри.



эканлигини ҳаёлимизга келтирмаймиз. Ушбу грипп тўғрисида аллергия риник касаллигига дучор бўлибман. Шундан сўнг кўпгина тиббиёт муассасаларида даволанишимга тўғри келди. Қўнлар тунга, тўнлар эса тонга улашиб умрим ўтаверди. Борган сайин касаллик хуружи авж ола бошлади. Хуллас, тақдир тақозоси билан мана шу шифо масканида даволанишимга тўғри келди. Бу ердаги физиотерапия ва гўёли даволар ҳамда тоғ-ён бағрларида сайрада бўлишим дардимни енгиллаштирди. Шундай шифо масканинг борлиги жонимга оро кир-

Мана, юқоридаги айтилган самимий дил сўзларининг гувоҳи бўлдимиз. Бундай миннатдорчилик туйғуларини Муҳаррам Эшонқулова, Эркин Носиров, Мухаббат Раҳмонова каби қўллаб инсонлардан эшитиш мумкин. Ҳа, ҳақиқатан ҳам ушбу сўлим гўшанинг таърифи сўз йўқ. Биз шифохона эшигидан кириб борар эканмиз, ўриндиқларда ўтирган отахону онахонлар ҳамда даволанувчиларнинг хурсанд ҳолда суҳбатлашиб турганликлари гувоҳ бўлди. Шунингдек, шифохона бўлимларини айланиб чиққанамизда у ердаги шароит ва

имкониятларнинг борлиги ҳам бизни бефарқ қолдирмади. Айниқса, ўз ишининг моҳир устаси, тажрибали шифокор Алишер Мирзаевнинг раҳбарлик ва инсонийликка хос фазилатлари юқорида эътироф этилган дил сўзларининг ифодаси десак янглишмаган бўламиз. Камтар инсон муваффақиятлардан тўқилгани бу ердаги беморлар биргина Фарғона вилоятидан эмас, балки республикамизнинг барча вилоятларидан келиб даволаниб кетаётганликларини айтиб ўтди. Шу ерда ҳақли бир савол туғилди.

— Алишер ака қиш ва баҳор фаслида анча қийинчиликларга дуч келсангиз керак. Чунки, сув тошқини ҳамда қор қўчиш хавфлари бўлади. Бундан ташқари шифохонангиз марказдан низоҳатда олис бўлганлиги учун дори-дармон ва озиқ-овқат масалаларига эҳтиёж туғилмайдими?

— Бу маскан менинг назаримда Оллоҳ томонидан бизга инъом этилган бир тўғра деб биламан. Сабаби, шу ён атрофда истикомат қилувчи инсонларнинг соғлом, бақувват бўлишлари ҳамда бизга даволанишга келган беморларнинг даво тоғиб кетишлари беҳиз эмас. Шу боис бўлса керак, баҳор ва қиш фаслларида кўз очиб бўлмас да-

ражадаги табиат талофатлари юз беради. Лекин Оллоҳга минг бора шукроналар бўлсинки, бундай қийинчилик ва муаммолардан азият чекмаймиз...

Дори-дармон ва озиқ-овқат масалаларига келадиган бўлсак, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг ёрдами билан шу кунгача таъминланишдан орқанда қолганимиз йўқ. Шахсан мен бу ернинг об-хавоси ва зилол сувларини дардларга даво эканлигини ўз тажрибамда синаб кўрдим. Шунинг учун келиш мақсадида бўлган беморлар ҳеч иккиланмасдан таширф буюришлари мумкин. Улар учун имкониятларнинг барчаси маъжуд.

Биз шифохонадаги шифокор ва ҳамширалар билан суҳбатда бўлар эканмиз, уларнинг беғубор қалбларидаги меҳнатга бўлган шиқоат, меҳрибонлик, қаққонлик каби хислатларини кўриб, уларга тан бердик. Ва шу билан бирга тоғлик муассаса жамоасининг фидойи, камтар, самимий инсонларининг машаққатли, аммо савобли ишларига омад ёр бўлишига тилақдошмиз.



"Сиҳат-саломатлик йили" йўқламаси: Андижон вилояти

Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, она ва бола соғлигини мустаҳкамлаш, репродуктив саломатликни яхшилаш, тиббий маданиятни ошириш ва оилада турмуш тарзини соғломлаштириш, жисмонан бақувват фарзандлар туғилишини ва уларни баркамол қилиб тарбиялашни таъминлаш лойиҳалари ва тадбирларини амалга ошириш.

«Сиҳат-саломатлик йили» Давлат дастуридан.



– Улуғ дарғоҳимиз қанчадан-қанча оилаларга фарзанд инъом этиб келмоқда. Зеро, ота ва она бўлишдек ўзга бир бахт бормикан дунёда! Ҳар бир инсон ҳам ана шу фарзандлари камолини кўришни, шунингдек, зурриёдининг соғлом дунёга келишини орзиқиб кутади. Мана шу ёруғ кунларга етгунча ота-она туғилажак фарзандини омон-эсон қўлга олиш ниятида туғруқхонага яхши ниятлар билан келади. Шундай экан, масканимизга ташриф буюрган инсонларнинг биздан хафа бўлиб кетишларига йўл қўймаймиз. Шу боис, улар соғлом, жажжи чақалоқларини бағриларига босиб, ота-оналик бахтидан хурсанд бўлиб кетишмоқда.

Дарҳақиқат, мажмуамиз 220 ўринга эга бўлиб, Ўзбекистон Республикаси «Фуқароларни соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонуни, «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш» Давлат дастури, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг акушерлик мажмуасига тегишли барча буйруқлари, вилоят ва шаҳар ҳокимлигининг Қарорла-

Хаётда шундай инсонлар борки, бутун умрини фаолиятга бахшида этади. Лекин ҳамма ҳам шундай бўлавермайди. Бунинг учун ўша инсонда кучли эътикод ва ирода бўлиши керак.

Мен республикамизнинг кўплаб тиббиёт муассасаларида бўлар эканман, раҳбарлик салоҳиятига эга бўлган жонкуяр, фидойи, самимий, камтар инсонларни кўриб, «бежизга бундай инсонлар раҳбар этиб тайинланмаган бўлса керак» деган фикрни хаёлимдан ўтказаман. Шу аснода улар фаолият юритаётган муассасалардаги ибратли ишларнинг гувоҳи бўлиб, юқоридаги ибора ҳақиқат эканлигига ишонч ҳосил қиламан. Айниқса, кейинги пайт-

лар ҳукуратимиз томонидан хотин-қизлар меҳнатига бўлган эътиборнинг ошганлиги боис, жамиятда аёлларнинг ўрни ва мавқеи кўтарилиб, кўпгина муассасаларда уларнинг раҳбарлик фаолиятига кенг йўл очилди. Улардаги сабр-тоқат, ақл-заковат, гўзаллик ва меҳрибонлик иш фаолиятларида ўз исботини топаётганлиги барчамизни мамнун этади.

Биз ана шундай ўз ишининг билимдони, келажак авлод соғлиғи учун жонини фидо қилишга тайёр инсонлардан бири Андижон шаҳар 3-туғруқ мажмуасининг бош врачси Саодат Мирҳақимовна Аҳмаджонова билан суҳбатда бўлдик.

ОИЛАМИЗ ҚУВОНЧИ

қаторда она ва бола соғлиғига бўлган эътибор бутунлай ўзгарди. Энг асосийси, она билан чақалоқнинг кечакундуз давомида бирга бўлиши учун барча қўлайликларга эришилди. Чақалоқни эркин эмизиш билан улар ўртасида ортиқча вазн йўқотиш бутунлай барҳам топди. Айниқса, онанинг болага бўлган қайноқ меҳри уларнинг муассасадан ўз вақтида соғайиб, севинч билан оила бағрига қайтишларига имкон яратди.

Туғруқ табиий ҳолат бўлиб, 85 % атрофида бу жараён физиологик кечадиган ва ҳеч қандай тиббий муолажаларга ҳожат қолмайди. Сиз суратда кўриб турганингиздек, туғруқ залларида уй шароитига мос шароит яратилиши, ҳомиладор аёлнинг эркин ҳаракатланиши, асосий тиббий аравашувларнинг камайитирилиши, туғруқларнинг дорисиз олиб борилиши ўзининг ижобий натижаларини бермоқда.

Мажмуамизда аёлларимиз



Ҳомиладорлик — бу касаллик эмас, аксинча она ва бутун оила учун улкан севинч келтирадиган бахтли ҳодиса бўлиши шарт.

«Бехатар оналик» Дастури таъминотларини қўллаб-қувватлаш туфайли мажмуада:

- туғруқ жараёнида турли хил кераксиз аравашувларнинг;
- туғруқ жараёнидаги асоратларнинг;
- чақалоқларнинг паст балл билан туғилишининг;
- чақалоқлар реанимациясида дорилар ишлатилишининг;
- жарроҳлик ҳолати камайиши оқибатида доривоситалари ишлатилишининг кескин камайишига эришилди.

касаллигининг кузатилаётганлиги ҳам барчамизни хавотирга солади. Шунингдек, асоратлардан коконок сувларининг барвақт кетиши, қон кетишлар, туғруқдаги травматизм ҳолатларининг учраб туриш эҳтимоллари ҳам кузатилади. Ушбу асоратли камчиликларнинг олдини олиш мақсадида ходимларимиз томонидан ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Туғруқхонадаги самарадорликни ошириш ҳамда мавжуд камчиликларни бартараф этишда Андижон Давлат тиббиёт институти «Акушерлик ва гинекология» кафедрасининг мудираси, профессор Тўхтаҳон Қодировна Муҳитдинованинг бу борадаги меҳнатлари беқиёсдир. Тўхтаҳон опа ходимларимизга амалий ёрдам бериш билан бир қаторда институтдан амалиёт ўташ учун келган талабаларга дарс берадилар.

Ахборот технологиялари асрида яшаётган эканмиз,

шифокорларимиз компьютер ва интернетлардан фойдаланиб, ўз билим даражаларини ошириб келмоқдалар. Тиббиёт шундай фанки, изланган сари излангич келажеради. Унинг сир-синаотлари шу қадар чуқурки, бу соҳада ўз иқтидори, салоҳияти ва тажрибасига суянган мутахассисларгина фаолият юрита оладилар. Тиббиёт ходими олдида бурч ва масъулият бисёр экан, бундай юксак ишонччи оқлаш ҳар биримиз учун муҳим. Лекин масъулиятни биргина шифокорлар зиммасига юкламасдан, инсонларнинг ўз соғлиқларига бўлган эътиборларини янада кучайтириш лозим, деб биламан.

Истардимки, бутун дунёда чақалоқнинг жарангдор овози, қувноқ кулгиси, шодон қиёфаси ҳар бир хонадонга эзулик уруғини сочсин!



ри ҳамда қўйилган талаблари асосида иш олиб бормоқда. Фахр билан айтишнинг мумкинки, 2000 йилда Бирлашган Миллатлар Таъкилотининг «Халқаро болалар фонди» ЮНИСЕФнинг «Она сути билан боқишни муҳофаза қилиш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш» сиёсати асосида акушерлик мажмуаси бўйича алоҳида сиёсат ишлаб чиқилиб, ушбу сиёсат асосида олиб борилган ишлар натижасида туғруқ мажмуамизга жажжоннинг 122 та давлатлари қаторида «Болага дўстона муносабатда бўлувчи шифохона» сертификатини берилди.

Бугунги кунда амалга оширилган ишлар ўз самарасини бериши билан бир

ҳамда чақалоқлар учун барча имкониятларнинг мавжудлиги ишларимиз сифатини янада оширмоқда. Лекин олдинда турган айрим камчилик ва муаммолардан кўз юма олмаймиз. Баъзи ҳолларда аёлларимизда кечаётган экстрагенитал касалликларнинг учраши ривожланаётган ҳомиладор ҳамда онанинг соғлиғига зиён етказиши. Мажмуамизга келаётган ҳомиладор аёлларнинг кўпчилигида камқонлик



Мен бўлимдаги фаолиятларни кўздан кечириш жараёнида мажмуада ибратли ишларнинг амалга оширилганлигини кўриб бениҳоя қувондим. Чунки, тили ва дили бир бўлган инсоннинг ўз ишига сидқидилдан, жонкуярлик билан ёндошуви ҳамда раҳбарларга хос қатъиятлилиги муассаса ишларида ўз аксини кўрсатиб турганлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим.

Мажмуада амалиётга киритилган янгилликлар:

1. Оғир даражали гестозларда магнелия терапияси қўллаш;
2. Ҳомила ривожланишида орқада қолишини даволаш (антиоксидант);
3. Дистресс синдромини кортикостероидлар билан олдини олиш;
4. Фетоплацентар етишмовчилигини даволаш (актогвин);
5. Одат бўлган ҳомила тушишларида инфекцияни аниқлаш;
6. Туғруққача даврда ҳуқна қилиш, туғруқдан кейинги даврда муз ҳалта, оғрик ва кераксиз бақадон қисқартирувчи дориларни таққилаш;
7. Оғир асфикцияда туғилган чақалоқларга турли хил доридармонларсиз реанимация ўтказиш.





Андижон шаҳар теннис корти одамлар билан гавжум. У ерда Андижон шаҳар 3-туғруқхона мажмуаси томонидан ташкил қилинган тадбир бўлиб ўтди. Мазкур семинар «Сихат-саломатлик йили»га бағишланган бўлиб, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари бўйича «Кўкрак сутти билан боқиш» ҳамда «Бехатар оналик» мавзулари асосида ўтказилди.


Тадбирда Андижон вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари Ш. Иброҳимов, вилоят соғлиқни сақлаш бошқармасининг бошлиғи В. Ҳақимов, шоира З. Мўминова, шаҳар ва вилоят тиббиёт муассасаларининг бош шифокорлари, маҳалла ва хотин-қизлар кўмиталарининг

вакиллари иштирок этдилар. Андижон тиббиёт институтининг Акушерлик ва гинекология кафедраси мудир, профессор Т. Мухитдинова ўзининг «Кўкрак сутти билан боқиш» мавзусидаги чиқиши билан барча аёлларга турли хилдаги тавсия ва маслаҳатларини берди. Шунингдек,

ОНА-БОЛА САЛОМАТЛИГИГА БАҒИШЛАБ

ташриф буюрган меҳмонларга мажмуада олиб борилаётган фаолиятлар ҳамда ходимларнинг меҳнатлари туфайли амалга оширилаётган самарали ишларни айтиб ўтди. Мажмуанинг бош шифокори С. Аҳмаджонова муассасада қилинаётган ишлар, шу билан бирга «Кўкрак сутти билан боқиш» ҳамда «Бехатар оналик» дастурларини ҳомиладор аёллар ҳаётида ниҳоятда зарурат эканлигини айтиб, соғлом онадан соғлом фарзандларнинг дунёга келиши учун бор куч ва имкониятларини ишга солиб, ҳамма биргаликда иш олиб бориши кераклигини алоҳида таъкидлади. Тадбир давомида ҳомиладор аёллар ҳамда хотин-қизлар учун мажмуа томонидан ташкил этилган турли мавзулардаги деворий газеталар, илмий мақолалар ва услубий қўлланмалар намойиш этилди.

Тадбир сўнггида мажмуа ходимлари томонидан тайёрланган, шу куннинг долзарб муаммолари бўлган «Оналар ва болалар ўлими», «Гиёҳвандлик»,



«Ичкиликбозлик» ва ОИТС касалликларига бағишланган сахна кўринишлари иштирокчиларнинг қалбини жумбушга келтирди. Шундан сўнг А. Ниёзметова, Ш. Рустамова, Фирдавс каби таниқли хонандалар ўзларининг дилга яқин қўшиқлари билан барчани хушнуд этдилар.

Ушбу тадбирни ўтказишдан асосий мақсад, онада тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг ўстувор йўналишларини амалга оширишдан иборатдир.

Аҳолининг кенг қатламлари фойдалана оладиган ва сифатли соғлиқни сақлаш тизимини яратиш, тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, уларни замонавий ташхис ва тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш чора-тадбирларини амалга ошириш.

«Сихат-саломатлик йили» Давлат дастуридан.



Андижон вилоятининг «Ровот» қишлоқ врачлик пункти

Қишлоқ врачлик пунктига кириб бординишда хоналарда муолажа олаётган беморларга кўзимиз тушди. Бехиётир уларни саволга тутдик.

— Нима учун сиз ушбу тиббиёт муассасасига мурожаат қилдингиз?

— Тасодифан йўлда келатуриб, ҳоқилиб тушдим. Тирсагим дарз кетди. Оғриғига чидай олмай, тезда шу ерга келдим. Бу ердаги шифокорлар менга биринчи ёрдам кўрсатишиб, марказий шифохонага бориб, қўлимни рентген қилдиришимни айтишди-да, ташхисимни «синган» деб қўйишди. Хуллас, марказий шифохонага бориб, тирсагимни рентген қилдирдим. Ҳақиқатда ҳам қўлим синган экан. Мана бугун назорат учун шифокорлар хузурига келган эдим.

— Демак, сизнинг қишлоқ врачлик пунктидаги шифокорларга ишончингиз баланд экан-да?

— Ҳа, албатта. Чунки, улар ўз билим ва тажрибаларига эга. Биз кадрлар иши билан танишиб чиқар эканмиз, уларнинг касбларига бўлган меҳр ва шижоатини кўриб, ҳақиқатда ҳам ҳар қандай касаллик билан кел-

ган беморга биринчи ёрдам кўрсатиш ҳамда тўғри ташхисни қўя олиш қўбилиятларини амалда кўрдик. Ҳар бир тиббиёт муассасадаги ишнинг сифати ва самарадорлиги кадрларга боғлиқлиги табиий. Кейинги пайтларда кадрлар масаласига бўлган эътиборнинг кучаяётганлиги бундан мустасно эмас. Юқоридаги мисолни олиб кўрадиган бўлсак, шифокор беморга тўғри ташхис қўйди. Сизда савол туғилиши мумкин. Муассасада травматолог бўлмаса, қандай қилиб шифокор томонидан тўғри ташхис қўйилди. Ҳеч иккиланмасдан айтиш керакки, бугунги кунда республикамизнинг қишлоқ врачлик пунктиларида умумий амалиёт врачларининг фаолияти олиб бораётганликлари аҳоли томонидан эътироф этилмоқда. Шифокор ва ҳамшираларнинг Тошкент Врачлар малакасини ошириш институти ва унинг филиалларида малака ошириб қайтаётганликлари бирламчи бўлиб бўлган эътиборнинг асосий ифодасидир.

— Беш нафар шифокор, 16 нафар ҳамшираларимиз аҳолига ўз вақтида керакли тиббий хизмат кўрсатмоқдалар. Фаолиятимизга бир йил бўлаётган бўлса, шу давр мобайнида аҳоли орасига

МЎҲАЗГИНА МАСКАН

Агар соғлигинг бўлмаса, ҳеч нарса кўнглингга сиғмас экан. Бехосдан бел соҳамда оғриқ пайдо бўлди. Шифокорларга мурожаат қилганимда улар менга сурункали пиелонефрит ташхисини қўйишди. Ва шифохонада ётиб даволанишимни айтишди. Лекин шароитим тўғри келмаганлиги сабабли туман марказий шифохонасида даволанишга имкониятим бўлмади. Сўнгга, қишлоқ врачлик пунктига келиб, Зарифа опага учрашдим. Улар кундузги стационарда ётиб даволанишимни айтдилар. Хуллас, муолажа ишлари бошлаб юборилди. 4-5 кун деганда оғриқларим аста-секинлик билан кета бошлади. Айниқса, тажрибали шифокор ва ҳамшираларнинг меҳрибонликлари, ўз касбларига бўлган иштиёқлари тезда соғайиб кетишимга сабаб бўлди. Ундан ташқари, муассасадаги шароитларнинг борлиги, тоза-озодлиги инсон бахри-дилини очади. Шуни алоҳида айтишим керакки, физиотерапиядаги ҳамшираларнинг чақонлиги, хушёрлиги, меҳнатсеварлигидан жуда мамнун бўлдим. Хурсандлигимнинг чеки йўқ. Чунки, қишлоқ врачлик пунктида даволанишим оиламдаги иқтисодий харажатларимни тежашга ва узоғимни яқин қилганлигини кўриб, ана шундай тиббиёт муассасалари борлигидан фахрланиб кетдим.

Мен ушбу қишлоқ врачлик пунктининг барча ходимларига ўз миннатдорчилигини билдирмаман. Уларнинг беғубор қалблари ҳеч қачон гап, сеҳрли қўллари эса дард кўрмасин. Агар шоир бўлганимда эди, шу каби ажайиб инсонлар тўғрисида дostonлар битган бўлар эдим.

Дилоромхон МАМАДАЛИЕВА,
Андижон вилояти, Гумбаз маҳалласи.



— Мақсадимиз аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатиш. Бунинг учун аввало ламбор, қишлоқ врачлик пунктида мавжуд шароитларни юзага келтириш ва малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда моддий-техник базасини бойитишдир. Шундай экан, бугунги кунда давр талаб қилганидек, барча имкониятларга эга бўлдик, 2005 йилнинг январь ойидан бўён ҳудуддаги 10603 нафар аҳолига малакали хизмат кўрсатиб келмоқдамиз, — дейди КВП мудираси Зарифа Ёкубова.

кенгрок кириб боришга муяссар бўлди. Айниқса, бу ўринда ҳамширалар меҳнатини алоҳида таъкидламоқчиман. Улар ўзларига бериқтилган кичик ҳудудларда бўлишиб, оилаларга касалликлар тўғрисида батафсил маълумотлар бериб, уларнинг олдини олиш ҳамда керакли даво муолажаларини ўз вақтида қабул қилишлари хусусида тушунтириш ишлари олиб борадилар. Ундан ташқари, айрим касалликлар

бўйича назоратда турган беморлар ва ногиронларга ўша ернинг ўзида амалий ёрдам кўрсатадилар. Бироқ айрим касалликларнинг авж олиши аҳоли соғлиғига жиддий таъсир кўрсатади. Ваҳоланки, туғиш ёшидаги аёллар ҳамда болалар ўртасида камқонлик, бўқоқ сингари касалликлар ортиб бораётганлиги барчамизни ташвишга солади. Шу билан бирга катта ёшдаги одамлар орасида қон босимининг

ошиши, сурункали пиелонефрит (бўйрак етишмовчилиги) ва юрак инфаркти билан боғлиқ бўлган хасталиклар учраётганлиги ҳам шифокорларларни ўз устидарида тинимсиз меҳнат қилишлари кераклигини такозо этмоқда. Уйлайманки, бу борада қилинажак ишлар ўзининг муайян натижаларини бериб, халқ саломатлигини мустаҳкамлашда асосий пойдевор бўлиб хизмат қилади, — дейди суҳбат чоғида КВП мудираси Зарифа Ёкубова.



Реализация проектов и мероприятий по защите материнства и детства, укрепление здоровья матери и ребёнка, улучшение репродуктивного здоровья, повышение медицинской культуры и оздоровление образа жизни в семье, обеспечение рождения и воспитания физически крепких и гармонично развитых детей.

Государственная программа «Год здоровья».



- Наш центр начал свою деятельность в 2002 году. Он состоит из 125 коек и таких отделов, как акушерство, патология новорожденных, детской и взрослой реанимации, неонатальной хирургии, приёмного отделения, лаборатории. Здесь работают самые высококвалифицированные врачи республики, имеющие звания докторов и кандидатов медицинских наук, которые беспрерывно трудятся над собой, повышают свои знания.

За последние 8 месяцев специалистами центра было принято более 2000 родов.

Особенной ответственностью в работе отличаются такие специалисты, как заведующая отделом гинекологии Мирзимова Ходия Исахановна, заведующий родзалом Низамудинов Камиллиддин Зиявуддинович, заведующий реанимационным отделением взрослых Таран Сергей Кимович.

Одной из самых сложных по своей специфике считается область неонатологии. Это работа с новорожденными. Порой и для матери бывает трудно понять, почему плачет малыш, а неонатологи обяза-

Персонал нашего центра занимается не только лечением различных патологий среди новорожденных, но также проводит беседы с родителями о профилактике заболеваний, роли ранней диагностики и предупреждении разных осложнений.

Но, к сожалению, не все представители молодого поколения уделяют внимание своему здоровью. По всей республике действуют специализированные центры, поликлиники и больницы, где можно проверить и укрепить здоровье. Но молодежь обращается к врачам очень редко. Недаром говорится, что легче предотвратить заболевание, чем лечить его. В последнее время все чаще наблюдаются симптомы преэклампсии, хронического пиелонефрита, случаи заболеваний острым бронхитом и острой почечной недостаточнос-

Восход. Первые лучи солнца освещают небосклон. Начинается новый день. А для кого-то этот день становится самым первым в жизни. Рождение ребёнка, подобно новому дню, такое же прекрасное событие, как и восход солнца. Ведь появление на свет малыша - это продолжение рода и ещё одна частица надежды на светлое будущее.

В узбекских семьях есть старый обычай: с рождением дочери, мать начинает собирать приданое, чтоб та в будущем была завидной невестой. А если в семье рождается сын (продолжатель рода), отец сажает молодое дерево (тополь), для того, чтобы он рос вместе с малышом, и когда придёт время создать семью, с благословения родителей и старейшин дерево срубают и используют для стройки дома молодой семьи.

Итак, хочу напомнить, что только здоровое поколение построит светлое будущее. Именно рождению и воспитанию здоровых людей уделяется огромное внимание как в нашей республике, так и во всем мире. А самая большая ответственность за сохранение здоровья новорожденного и матери возлагается на гинекологов, акушеров и неонатологов.

Дарвоқе, яқинда Ўзбекистон Республикаси Касаба уюшмалар Федерацияси Кенгаши қурортлар бошқармаси ва Республика тиббиёт ходимларининг Касаба уюшма Федерацияси Кенгаши ҳамкорлигида юртимиздаги жаннатмакон сўхатҳоҳларда меҳнат қилаётган ҳамширалар ўртасидаги «Ҳамшира — 2005» кўрик-танлови пойтахтимизда жойлашган «Чинобод» очик акциядорлик жамиятининг биносида бўлиб ўтди.

Танловни Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалар Федерацияси Кенгаши Қурортлар бошқармаси бошлиғи А. Йўлдошев ва Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимларининг Касаба уюшма Федерацияси Кенгаши раиси О. Муҳитдиновлар кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда барча



шарт, яъни таништирув, назарий, амалий ва уй вазифаси (эркин мавзу) бўйича ўзаро беллашдилар. Бир-биридан чаққон, ҳозиржавоб, меҳрибон қизлар касбий



ҳамшираларнинг олиб бораётган ишлари, дунёнинг ривожланган мамлакатларида ишлаб чиқарилган, замонавий тиббий асбоб-ускуналарда фаолият юритаётган ҳамширалар турғисида ўзларининг фикрларини билдириб, тадбир қатнашчиларига омад тиладилар. Сўнгра, ҳамширалар тўртта

маҳоратлари-ю, мавжуд имкониятларини ишга солиб, нимага қодир эканликларини кўрсата олишди. Мазкур тадбирда ҳамширалар фақат голиблик учун беллашмай, балки, бир-бирлари билан дўстлик ришталарини боғлаб, билим тажрибаларини янада бойитишга муяссар бўлдилар. Шундай қилиб, икки кун да-

вом этган мазкур беллашувнинг ҳаяжонли дамлари етиб келди. Ҳакамлар ҳайъати бирин-кетин ҳамширалар олган умумий баҳоларни ўқиб, эълон қилди. Хуллас, 3-ўринни Наманган вилоятидаги «Косонсой» масъулияти чекланган жамияти сўхатҳоҳининг ҳамшираси Нилуфар Мўйдинова эгаллади. 2-ўринга эса икки нафар ҳамшира, яъни Фарғона вилоятининг «Чимён» масъулияти чекланган жамияти сўхатҳоҳи ҳамшираси Екаторина Жумабоева ва Жиззах вилоятининг «Зомин» сўхатҳоҳи ҳамшираси Махлиё Нарзиқуловалар сазовор бўлишди. Кўрик-танловнинг мутлоқ голиблиги Тошкент шаҳридаги «Чинобод» очик акциядорлик жамияти сўхатҳоҳининг ҳамшираси Камола Азимовага насиб этди.

Тадбир сўнггида голиблик шохсупасидан ўрин олган ҳамширалар Ўзбекистон Республикаси касаба уюшмалар Федерацияси Кенгаши қурортлар бошқармаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси тиббиёт ходимлари касаба уюшмалар Федерацияси Кенгаши томонидан қимматбаҳо ва эсдалик совғалар билан тақдирланди.

Холмурод РАББАНАЕВ.
Асен НУРАТДИНОВ
олган суратлар.

Мутахассис маслаҳати

ОГОҲ БЎЛИНГ...

Кейинги пайтда оммавий ахборот воситаларининг маълумотларига кўра, қўпгина мамлакатларда олимлар томонидан тўлиқ ўрганилмаган атипик пневмония ва парранда гриппи бўйича ноҳуш вазият юзага келганлиги ушбу касалликларнинг республикамиз ҳудудида кириб келиш хавфини туғдирмоқда. Бу касаллик Япония, Хитой, Вьетнам ва Покистон давлатларида тарқалганлиги аниқланган. Шунингдек, республикамизда атипик пневмония ва парранда гриппнинг чет давлатлардан кириб келишининг олдини олиш борасида қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Маълумки, грип ва ўткир респиратор касалликлари айнан куз ва қиш ойларида авж олади. Парранда гриппи — ўткир вирусли касаллик бўлиб, ўткир шомоллаш, юкори ҳарорат, нафас йўллариининг яллиғланиши,

баъзан қайт қилиш, ич кетиш билан кечадиған юқумли касаллик ҳисобланади.

Парранда гриппи вируси товуқларда, ўрдақларда, гозларда ва бошқа қушларда касаллики юзага келтириб, уларнинг нобуд бўлишига сабаб бўлади. Баъзида парранда гриппи вируси одамларда учрайдиган вируслар билан қатишиб, одамлар ва паррандалар учун хавфли бўлган касаллики юзага келтириши мумкин. Касаллик манбаи касалланган паррандалар ва ушбу касаллик билан оғриган қишлар бўлиши мумкин. Касалликнинг яширин даври бир неча соатлардан 3-5 кунгача бўлади. Асосий клиник белгилари — бош оғриги, мушаклар зирқираши, беморнинг ҳарорати 40-41 даражагача кўтарилиши, беморда қайт қилиш, ич кетиш ҳоллари кузатилади.

Бу касалликнинг хавфлилиги, тез тарқалувчанлиги, айниқса, ёш

болаларда ва кексаларда оғир асоратлар қолдириши билан характерланади. Шу боис, ҳалқимиз ушбу асоратли, хавфли касалликлардан огоҳ бўлиши лозим. Касалликини даволашдан кўра унинг олдини олиш осонлигини унутманг. Касалликнинг олдини олиш чоралари:

- шомоллашдан сақланинг;
- иситмангиз кўтарилиганда ва ўзингизни ноҳуш сезганде врачга мурожаат қилинг;
- тураржойингиз ва ишхонаннгизни тез-тез шомоллатиб туринг;
- болаларингизнинг кундалик саломатлик ҳолатини кузатиб бординг, касаллик аломатларини сезганде уларга богча ва мактабга боришни таъқиқланг;
- хасталикка чалинган паррандада гўштини истеъмол қилманг.

Ҳар бимизми ушбу касалликнинг олдини олишда, соғлиқимиз фақат ўзимизга боглиқ эканлигини асло унутмайлик.

Хатира КИСЕНБОВА.
Бўка туман Саломатлик маркази шифокори.

Эндемический зоб и его профилактика

ЙОДОДЕФИЦИТНЫЕ ЗАБОЛЕВАНИЯ

По географическому положению и биогеохимическим особенностям окружающей среды более 1/4 населенной территории мира является эндемичной по зобу. Общее число людей, проживающих в зонах эндемии, по оценкам ВОЗ, составляет более 1,5 миллиарда (доклады ВОЗ, 1994), а по сведениям UNISEF, 1/4 часть детей мира страдает этим заболеванием (Grant I.P., 1987). Следовательно, профилактика и контроль — одна из важнейших медикосоциальных проблем.

За последние годы, в связи с прекращением ввоза в республику йодированной соли и антиструмина, с разработкой собственных соедерудников и использованием населением страны соли практически не содержащей йод, сложилась сложная обстановка в Узбекистане, обусловленная значительным ростом заболеваний, связанных с недостаточным потреблением йода (Исмаилов С. И., 1998; 1999).

Среди неинфекционных заболеваний эндемический зоб, обусловленный недостаточностью йода в биосфере, занимает первое место по территориальной экспансии и по количеству проживающего в этих регионах населения, составляющего поистине гигантскую устойчивую популяцию людей, подверженных тотальному риску заболеть различными формами дисфункции щитовидной железы и связанных прямо или косвенно с ними многими психосоматическими заболеваниями (И. И. Дедов, 1992).

В последнее время в мире достигнут очевидный прогресс в представлениях о распространенности, природе и механизмах формирования зобной эндемии. Основным следствием дефицита йода в окружающей среде является развитие зоба у лиц, проживающих в йододефицитных регионах (эндемический зоб). В связи с этим долгое время было принято считать, что зоб является единственным проявлением этого состояния. **В настоящее время доказано, что помимо зоба, дефицит йода оказывает и другие неблагоприятные воздействия на состояние здоровья человека.** В 1983 году, термин «эндемический зоб» был заменен на «йододефицитные заболевания». Эти заболевания обусловлены снижением функциональной активности щитовидной железы на дефицит йода. Спектр йододефицитных заболеваний (ЙДЗ) очень широк. В последние годы проблема ЙДЗ во всем мире признана актуальной в медицинском, социальном аспектах, так как эти заболевания во многом определяют состояние здоровья населения и интеллектуальный уровень общества. Учитывая данные обстоятельства, Всемирная ассамблея здравоохранения, проведенная в 1990 году, приняла резолюцию о ликвидации к 2000 г. заболеваний, обусловленных дефицитом йода.

По данным А.П.Виноградова (1959), нормальная почва содержит йода 5/10-4. Подвижные соединения его усваиваются растениями из почвы и вместе с ними поступают в организм человека. Суточная потребность человека в йоде — около 150-200 мкг/сут. В нормальных условиях примерно 60 % этой потребности покрывается йодом растительной пищи, а около 1/3 — пищей животного происхождения. Йод всасывается главным образом в верхнем отрезке кишечника, после чего по кровеносной системе он попадает в печень, которая обладает способностью задерживать на известное время йод и регулировать переход его в кровь (Туракулов Я.Х., 1996).

Содержание общего йода в крови у здоровых лиц колеблется в пределах от 8,9 до 13,8 мкг %, связанного с белками — от 3,5 до 8 мкг % (Баранник П.И., 1970). Из крови он поступает в различные органы и ткани. Основная масса содержащегося в организме йода (15 мм из 25 мкг) находится в щитовидной железе, которая в тысячу раз активнее у взрослого человека: за 3 сут. продуцирует примерно 1 мкг тироксина, для синтеза которого необходимо около 200 мкг йода в сутки (Коломийцева М.К., 1961).

Щитовидная железа легко захватывает ионы из крови, но реакция замещения в бензойном кольце тироксина не возникает до тех пор, пока не образуется некоторое количество элементарного йода из йодида путем окисления (Антонова М.В. и др., 1966). Йодиды превращаются в элементарный йод в щитовидной железе под влиянием окислительных ферментов.

Согласно рекомендациям ВОЗ, экскреция йода в утренней порции мочи, равная или превышающая 10 мкг/дл считается нормальной, экскреция 5-9,9 мкг/дл свидетельствует о легкой степени недостаточности йода, 2-4,9 мкг/дл — о выраженной недостаточности.

Показатель экскреции йода за сутки был использован при анализе причин распространенности зоба в европейских странах. Так, показано, что в странах, где экскреция йода в сутки была ниже 110 мкг. (Чехия, Италия), распространенность зоба составила 54-58 %. В странах, где данный показатель суточной экскреции йода был выше 200 мкг (Финляндия, Исландия), распространенность зоба составила доли процента.

По географическому положению и биохимическим характеристикам окружающей среды более 85 % населенной территории Республики Узбекистан является эндемичной по зобу. В очагах эндемии дети и подростки составляют наиболее склонный к поражению зобом контингент населения. Увеличение щитовидной железы у детей является компенсаторным процессом, направленным на сохранение эутиреоидного состояния и функциональных резервов в эндемичной по зобу местности. Отсутствие в последние годы в нашей стране йодной профилактики и должного мониторинга состояния здоровья населения эндемичных регионов республики, свертывание государственных программ йодирования пищевых продуктов и ухудшение экологической обстановки, привело к нарастанию распространенности ЙДЗ особенно среди детей. При этом население, проживающее в эндемичных регионах, подвержено тотальному риску развития патологии щитовидной железы и сочетанных психосоматических заболеваний.

Йододефицитные расстройства покрывают спектр патологических состояний, возникающих вследствие дефицита йода и включают в себя зоб, гипотиреоз, кретинизм, глухонмоту, косоглазие, спастическую паралигию, умственную отсталость, карликовость, мертворождения, врожденные аномалии и увеличение перинатальной смертности.

Эпидемиологические критерии оценки тяжести йодного дефицита, основанные на распространенности зоба в популяции

Степень выраженности йодного дефицита	Дефицит йода отсутствует.	Легкая.	Средняя тяжесть.	Тяжелая
Частота зоба	менее 5 %	5-19,9 %	20-29,9 %	более 30 %

Эпидемиологические критерии оценки тяжести йодного дефицита, в зависимости от уровня йода в моче на популяционном уровне

Медиана концентрации йода в моче (мкг/л)	Выраженность йодного дефицита
<20	Тяжелый дефицит йода
20-49	Дефицит йода средней тяжести
50-99	Легкий дефицит йода
100-200	Нормальный уровень потребления йода
201-299	Умеренно повышенное потребление йода
>300	Увеличенное потребление йода

Спектр расстройств здоровья, обусловленных дефицитом йода

Период онтогенеза.	Йододефицитная патология
Фетальный: у матери.	Спонтанные выкидыши Преждевременные роды Анемия беременных
у ребенка.	Врожденные пороки развития Высокая перинатальная смертность Эндемический неврологический кретинизм: * умственная отсталость * глухонмота * спастическая диплегия * косоглазие Эндемический микседематозный кретинизм: * задержка роста * умственная отсталость * психомоторные нарушения
Неонатальный и младенческий.	Врожденный гипотиреоз Врожденный зоб Высокая младенческая смертность
Детский и подростковый.	Зоб Ювенильный гипотиреоз Задержка умственного развития Задержка физического развития Патология полового развития
Взрослый.	Зоб и его осложнения Йод-индуцированный тиреотоксикоз Гипотиреоз Нарушения репродуктивной функции Риск рождения ребенка с эндемическим кретинизмом Прогрессирование атеросклероза
Любой возраст.	Повышенный захват радиоiodа при ядерных катастрофах, что сопряжено с риском развития рака щитовидной железы Нарушения познавательных функций Вторичная иммунологическая недостаточность Повышенная частота хронической соматической патологии

Распространенность эндемии зоба в Республике Узбекистан с учетом этиологических факторов

Распространенность ЭЗ в целом по РУз среди обследованной детской популяции (19895) составило 73,3 %, среди взрослых (16473)-60,3 %. Наиболее высокие показатели распространенности ЭЗ среди детей выявлены в Ташкентском (78,2 %), Ферганском (80,1 %), Андижанском (85,3 %), Наманганском (85,3 %), Джизакском (76,3 %) и Навоийском (75,4 %) вилоятах.

Высокой распространенности ЙДЗ способствует низкий для всего населения республики уровень потребления йодированной соли. Так, если в 1998 и 1999 гг. в изученных образцах поваренной соли, в целом по РУз, отсутствие йода составило значительную долю — 91,7 и 67,9 %, то с началом процесса йодизации КЮЗ в 2-х солерудниках (Ходжаикан, Караумбет) эти показатели были представлены в 2000 и 2001 гг. более лучшими цифрами — 66,6 % и 50,22 % соответственно, доказывая тем самым положительные сдвиги в данном вопросе.

Исследования показали, что в продукции ряда фирм, производящих на продажу пищевую соль, содержание нормального количества КЮЗ (от 41,1 до 65 г/т)

составляло в 2000 году 19,3 %, в 2001 году — 23,2 %. К ним относятся такие фирмы, как **Орзу, Лаззат, Темпо, Флоранс, Ходжаикан, Каракалпак савдо**. Наряду с этим крайне малое содержание йода или его отсутствие обнаружено при изучении образцов соли **Казах Туз, Каракалпак Туз, Арал Туз**.

Осуществление мониторинга уровня содержания йода в моче у населения РУз с 1998 по 2001 гг. доказало наличие тяжелого йододефицита. Так, если содержание йода в разовой моче <10 мкг/100 мл составило в 1998 и 1999 гг. 97,4 % и 93,9 %, то в 2000 и 2001 гг. оно имеет достоверную тенденцию к уменьшению — 68 и 61 % соответственно. Наряду с этим содержание йода от 10-30 мкг/100 мл мочи имело тенденцию к возрастанию (от 2,6 до 34 %), как и в группе лиц, имеющих содержание йода от >30 мкг/100 мл мочи.

Таким образом, изучение распространенности ЭЗ в целом по Республике Узбекистан выявило тяжелую степень йододефицита, подтверждаемого также результатами проведенного мониторинга поваренной соли и экскреции йода с мочой.

Не менее важным и актуальным вопросом является физическое развитие (ФР) детей, тесно связанное, как известно, с гормональным статусом организма.

Физическое развитие детей в условиях йододефицитного региона Узбекистана:

Представления о физическом развитии (ФР) детей, рожденных в очаге зобной эндемии, основываются на результатах антропометрических исследований (Мухамедов Т. М., 1987).

В целях освещения данного актуального, но малоизученного вопроса проведено изучение ФР у 143 детей Навоийской области, разделенных на 2 группы: контрольная, матери которых страдают зобом 1 и II степени.

Как показали проведенные исследования, различия имеют место, начиная с 3-х месячного возраста. Так, если показатели роста в контрольной группе были представлены значительно низкими цифрами — 54,5 см (P<0,001), аналогичные изменения были выявлены при изучении массы тела (P<0,01).

НИИ эндокринологии.

(Продолжение следует).



ЯНГИЧА УСУЛЛАР АСОСИДА...

Жорий йилнинг 14 октябрь кунини пойтахтимиздаги Le Grahde Plaza меҳмонхонасининг мажлис залда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институтининг "Травматология ва ортопедияда остеондуктив усуллар" мавзусидаги Ўзбекистон травматолог-ортопедларининг илмий амалий конференцияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти ҳамкорлигида бўлиб ўтди.

Мазкур анжумани Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, профессор Нодир Шарипов кириш сўзи билан очиб, бугунги кунда Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти томонидан амалга оширилаётган ишлар, қўлга киритилган ютуқлар ва хорижий мамлакатлар билан ҳамкорликда олиб бораётган фаолиятлари тўғрисида қисқача тўхталиб ўтди ҳамда анжуман иштирокчиларини самимий табриклаб, уларнинг ишларига омад тиллади.

Сўнгра Травматология ва ортопедия илмий-текшириш институти директори, профессор М. Азизов, россиялик Н. Кораблёв, қозғистонлик Ж. Ҳамзабаев, қирғизистонлик Г. Кожаматова, украинлик А. Рушай ва

бошқа кўплаб мутахассислар ўзларининг травматология ва ортопедияга бағишланган долзарб мавзуларда маърузалар қилиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Шунингдек, мазкур анжуманда 9 та давлатдан 16 нафар меҳмонлар иштирок этиб, травматология ва ортопедия касалликларининг олдини олиш, уларни янги усулларда ташхислаб даволаш борасидаги фикрларини баён этди.

Тадбир сўнггида қатнашчилар анжуманда қўрилган масалалар бўйича ўзаро фикр алмашиб, келажақда қилинажак бўлган ишлар хусусида келишиб олдилар. Бахс ва мунозараларга бой бўлган мазкур конференция иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.

Холмурод РАББАНАЕВ.

Ибрат

ЭЛ СОҒЛИГИ ЙЎЛИДА



тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда.

— Бугунги қайноқ дамларда пахтазорга ҳашарга чиққан Самарқанд Давлат Архитектура қурилиш институтининг 120 нафар талабаси ҳам унинг назоратида, — дейди Дағар Очилов номли фермер хўжаликлари уюшмаси раиси Хўшмурод Нодиров биз билан бўлган суҳбатда. — Дарвоқе, Дилбархон оқ халат соҳиби бўлишдек, эъозли касбини ардоқлаш билан биргаликда "Отабек-ОТХ" фермер хўжалигининг раисаси ҳамдир. Ҳам эл саломатлиги, ҳам дастурхон тўқинлиги-ю, юрт хирмонининг кўкка буй чўзишида ўзининг муносиб хиссасини қўшиб келмоқда. Ўз соҳасида ҳаммага ўрнак бўлиб келаётган Дилбар опа қишлоқ хўжалигида ҳам намуна кўрсатмоқда. У биринчи бўлиб давлатга пахта сотиш режисини уйддалади.

Узоқ чўққиларни кўзлаган фермер хўжалиги аъзолари ҳосилдорлиқни 40 центнерга етказишни ният қилганлар.

Ҳамза ШУКУРОВ.

2005 йил — Сихат-саломатлик йили

ОДАМЛАР МЕҲРИНИ ҚОЗОНИБ

Сўлим Чирчик шахридан чиқишингиз билан, бироз юргач атрофи тоғлар билан ўралган баҳаво жойга етиб келасиз. Бу ерни Товоксой деб аташади. Мана шу сўлим гўшада мириқиб дам олиб, соғлигини тиклаб қайтган отахон ва онахонлардан тахририятга келган анчагина миннатдорчилик мактубларини йиғдимда, оромгоҳга қараб йўл олдим. Товоксой сихатгоҳи дарвозасидан киришингиз билан, ажиб тоғ ҳавоси димогингизга урилади. Дов-дарахтлар билан бурканган мана шу даво масканида эрталабки муолажаларни олиб бўлган дам олувчилар, гўрух-гўрух бўлиб боғда сайр қилишарди...

Қабулхонадаги қизлардан сўраб-суриштираман, сихатгоҳ директори Хикматулла Султонов пахта масалалари бўйича туманларга чиқиб кетган экан. Директорнинг даволаш ишлари бўйича ўринбосари Салима Ризметова билан суҳбатлашиб мақсадида унинг хонасига йўл олдим. Салимахон билан суҳбатимиз қизгин кечди. Дилкаш бу инсон билан си-



хатгоҳ худудини айланиб, дам олувчиларга яратилган шароитлар билан яқиндан танишар эканман, тажрибали бу шифокор мана 30 йилдики, эгнидаги оқ либосига ғубор кўндирмай, халқ саломатлиги йўлида фидойилик кўрсатиб келаётганининг шоҳиди бўлдим. С. Ризметова мана шу дам олиш масканида фаолият бошлашдан аввал 1975 йили Урта Осиё, ҳозирги Тошкент Педиатрия тиббиёт институтига туғатиб, Бўстонлик туман марказий касалхонасига шифокор бўлиб ишга келган, 1984 йилгача мана шу тумандаги марказий шифохонанинг юқумли касалликлар бўлимида ишлаб, фаолият кўрсатган экан. Ундан кейин Чирчик шаҳар болалар касалхонасидаги юқумли касалликлар бўлимида мудир бўлиб ишлаган. Бу сихатгоҳга 2001 йили ишга келган. Товоксой сихатгоҳи асосан қариёлар, меҳнат фахрийлари, уруш ногиронлари, афгон уруши қатнашчиларига хизмат кўрсатади, шунингдек бу ерда болалиқдан ногирон бўлиб қолган беморлар ҳам ётиб даволанишади.

— Сихатгоҳимизда асосан асаб тизими, юрак қон-томир касалликлари, таянч-ҳаракат тизимлари ва бошқа хасталиклар бўйича даволаш ишлари олиб

борилади. Даво масканимиз 340 ўринга мўлжалланган. 18 кун давомида бизнинг масканда дам оладиган мижозларимиз соғлиқларини тиклаб, соғ-саломат ўз оиласи бағрига қайтиши йўлида қўлимиздан келган барча муолажаларни олиб бормоқдамиз, — дейди Салимахон Ризметова. — Сихатгоҳимизда 26 та даволаш-муолажа хоналари мавжуд, булардан массаж, парафин, электр қуввати билан даволаш, ванна қабул қилиш хоналарини айтиб ўтиш мумкин. Шунингдек бизда тиш қўйиш, протезлаш ва тиш даволаш хоналари ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. 2004 йилдан бошлаб яна икки турдаги муолажаларни киритдик, булар лазерли терапия ва Японияда ишлаб чиқарилган "Линда" аппарати ёрдамида даволаш. Бу аппаратлар асосан инсультдан кейинги қолган асоратларни, бош миёда, периферик асаб тизими шикастланишларидан кейинги асоратларни даволашда ҳамда бўғин касалликлари, остеохондрозларни даволашда жуда қўл келмоқда. Шунинг учун ҳам бу борада яхши натижаларни қўлга киритмоқдамиз.

Сихатгоҳда дам олиб, соғлигини тиклаётган даволанувчилар тўрт маҳал иссиқ овқат билан



таъминланган. Энг асосийси, бу ерда беморларни даволаш учун зарур бўлган дори-дармонлар давлатимиз томонидан бепул тарқатилаётган экан. "Сихат-саломатлик йили"да сихатгоҳ худудидан анчагина ободонлаштириш ишлари амалга оширилгани шундоқ кўзга ташланиб турибди. 2004 йилда ишга туширилган 500 ўринли ошхона даволанувчилар хизматида. Қўли гул пазандаларнинг тайёрлаётган мазали таомларидан дам олувчилар мамнун эканликларини бизга йўллаган мактубларида ҳам алоҳида таъкидлашган эди. 2003 йилда ишга туширилган янги қозонхона си-



хатгоҳдаги иссиқлик таъминоти ва иссиқ сув масаласини ижобий ҳал этди. Шунингдек, дам олувчиларга қўлайлик яратиш мақсадида сихатгоҳнинг 3-ва 4-корпуслари тўлиқ таъмирдан чиқарилган.

Сихатгоҳга таширф буюрган дам олувчилар, уруш ва меҳнат фахрийларига янада яхши ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш мақсадида, 2005 йилнинг тўртинчи чорагида ҳамда имкониятимизга қараб 2006 йил бошларида муолажа-ташхис ишлари учун жуда ҳам зарур бўлган УЗИ аппарати сотиб олиш режалаштирилган, шунингдек, мавжуд лабораторияни тўлиқ таъмирдан чиқариб, уни янги текшириш-таҳлил қилиш аппаратлари билан жиҳозлаш ва кимёвий моддаларни етарлича етказиб бериш кўзда тутилган.

Қаттагина жамоага бош-қош бўлиб, ўзига топширилган вазифани сидқидилдан бажарётган Салимахон Ризметова билан хайрлашар эканман, уруш ва меҳнат фахрийлари тахририятга йўллаган мактубларида бекорга бу ердаги даволаш-муолажа ишларидан ва айниқса, ўз касбини маҳорат билан адо этиб келаётган тиббиётчилардан самимий миннатдор эканликларига иқдор бўлдим. Салимахон чинданда бахтли аёл, ишхонада талабчан раҳбар, дам олувчилар қошида парвона, оиласида эса 5 та фарзанд — икки ўғил ва уч қизнинг суякли онажони: "Биз турмуш ўртоғим билан кўзимизнинг оқу қораси азиз фарзандлар ва бешта меҳрибон жажжи неваралар даврасида бахтли ҳаёт кечириб келмоқдамиз, — дейди Салимахон. — Катта қизим Захро Ризметова мен танлаган касбга астойдил ҳавас қилган экан шекилли, бахти қулиб ТошПТИ толибаси бўлиш унга насиб этганди. Бугунги кунда қизим мана шу олийгоҳнинг магистранти сифатида билимини тобора мустаҳкамлаб бормоқда. Нима ҳам дердим, танлаган касбимдан, олган билимим, йиллар давомида эгаллаган тажрибам, малака ва маҳоратимнинг одамларга нафи тегаётганидан беҳад мамнунман, одамлар бизнинг ишимиздан қониқиб хис этиб, мана шу даргоҳдан қўнғил тўлиб чиқиб кетар экан, бизга бунданда олий мукофотнинг ўзи йўқ".

Миржало Миралиев.
Муаллиф олган суратлар.
СУРАТЛАРДА: сихатгоҳ фаолиятдан лавжалар.



ОЛИЙ ҚАДРИЯТИМИЗ ВА ИФТИХОРИМИЗ

Тил — элнинг руҳи, тил бўлмаса, эл ҳам йўқ. Тил миллатнинг бебаҳо мулкидир. Тил учун курашда ҳар бир халқ ўзлигини кўрсатишга интилади. Тил ҳақида қабул қилинган Қонуннинг даражаси, савиясига қараб, халқнинг сиёсий онги, миллий камолотини, маънавий даражасини билиш ва англаш мумкин.

Мана, 16 йилдирки, Ватанимизда ўз тилимиз ҳукмронлик қилмоқда, йиллар оша ардоқланиб, улуғланмоқда. Албатта, ўзбек тили ўзбеклар учун миллий ифтихордир. Чунки, бу тилда буюк аждодларимиз қалам тебратишган, ўзбек тилини улуғлаб, келгуси авлодларга заҳматли ижод маҳсули бўлмиш бебаҳо адабий мерос қолдиришган.

Ана шундай буюк меросимиз асосини XI асрда яшаган бобокалонимиз Махмуд Қошғарийнинг "Девони луготит турк" номли асари ташкил қилган бўлса, XV асрда яшаб, ижод қилган ғазал мулкнинг султони, ҳазрат Алишер Навоий ўзининг бекиёс асарлари билан тилимиз мавқеини беҳад юксакликка кўтариб, она тилимизни шундай таърифлаган:

"Тилимиз ўн саккиз минг оламдан бойроқ бўлган шундай бир хазинаки, дур-у гавҳари (сўзлари) осмон ёритгичларидан ҳам порлоқроқ, шундай бир гулзорки, ҳар бир гули чаман лолаларидан гўзалроқ".

Комил, баркамол инсон ҳамиша маънавий етуқликнинг муҳим жиҳати ҳисобланади. Миллий ўзлигини англаш, миллий ўзига хосликни англаш демакдир. Миллий ўзига хослик эса бевосита миллатнинг тили, маданияти, тарихи ва дунёқараши қабиларда намоён бўлади, уларнинг уйғунлиги тарзида акс этади ҳамда шундай идрок қилинади.

Асрлар давомида она тилимиз қадрияти топталди. Жароҳатларнинг тури ва хили кўп.

Маънавий жароҳатнинг энг оғири — бу ўз она тилини билмаслик. Бу ҳақда ардоқли шоиримиз Муҳаммад Юсуф шундай куйиниб ёзганди:

Гарчи зугум қилганларни
ёқтирмадим,
Шеър ёздимۇ бўлак ишни
қотирмадим.
Тилим туриб ўз она
тилимда гапирмадим,
Бир эсласам эзилади
бағри-дилим,
Она тилим мени кечир,
она тилим.
Кимдир майда миллат
бўлди, кимдир катта,

Катта миллат
— Афандиси йўқдир ҳатто,
Биз пиёда, биз боқанлар
юрди отда,
Зулм ўтса, фақат сендан
ўтди зулм,
Она тилим кечир мени,
она тилим...

Тилнинг ривожланиши жаҳият ҳаёти, тараққиёти билан бевосита боғлиқдир ва ундаги ўзгаришлар албатта тилда ҳам ўз аксини ифода этади. Шу боис, 1989 йилнинг 21 октябрь кунини она тилимизга давлат тили мақоми берилиши — мустақиллик сари қўйилган илк қадамлардан

бири эди. 1995 йилнинг 21 декабрь кунини ўшбу Қонунга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги тахрирда қабул қилиниши ўзбек тилининг янада бойиши ва ривожланиши учун кенг шарт-шароит яратиб берди.

Мазкур қонунлар она тилимизнинг имкониятларини, қуч-қудратини оширди, миллатимизни янада жипслаштирди. Ўз тилимизда эркин сўзлашадиган, анжуманлар, сессиялар, йиғинларни ўтказадиган, иш юритадиган бўлди. Айни пайтда фақат она тилимизни улуғлаб, бошқа тилларни ўрганишни эътибордан четда қолди-

радиган бўлсак, кўзлаган марраларга етиш мушкул. Шунинг учун бошқа тилларни пухта ўрганишга давлатимизда кенг имкониятлар мавжуд бўлиб, ёшларимиз чет элларда таҳсил олишмоқда, мамлакатимиз эса жаҳон ҳамжамияти сари юз тутмоқда.

Мана бугун эса биз баркамол авлод олдида ёруғ юз билан ўз она тилимизни янада бойитишни, унинг ўрганилмаган қирраларини ўрганишни маънавий мерос ҳолида уларга топишмоқдамиз.

Бугунги айём — Тил байрами муборак бўлсин! Она тилимиз қадр-қиммати янада юксалиб, асрлар оша маёк сингари маънавий йўлимизни порлатиб турсин! Зотан, шоир ёзганидек:

Бу тилнинг ҳар сўзи
онадай азиз,
Онадай муқаддас,
онадай суюқ.
Фарзандлари севган учун
шубҳасиз,
Бу тил мангу яшар,
абдий буюқ!
Шоира ҚОДИРОВА,
Тошкент Тиббиёт
академияси катта
ўқитувчиси.

ШЕЪРИЯТ ГУЛШАНИГА САЙР



Мадина Хотамова хали ёш бўлишига қарамай адабиёт бўстида ўзининг серкхори ижоди билан инсонлар кўнглидан ором топаётган умидли шоирадир. Унинг қаламига мансуб шеърли мисраларни ўқир экансиз, беихтиёр ҳаёл-

ларингизни ҳайрат олами, тарих садоси ва шоиранинг синчковлик билан инсон қалбини асир эта олгудек маҳорати борлигини ич-ичингиздан ҳис этмай иложингиз йўқ. Куйида Мадинанинг ана шундай гўзал тасаввурлар жо этилган қалб дафтаридан жой олган шеърларидан ўқийсиз.

ДЎСТИМЛА

(Маҳбуба учун ёзилган)

Дўстим! Дунё тор кўринган пайт,
Майли йиғла, ўқис кўнглинг бўшатиб.
Жўшиб кетганимда ёз бир ажиб байт,
Дунёнинг ҳақиқий аксин кўрсатиб.

Гумонлар солмаса агар соясин,
Шамси талъат нури балқса юзингда.
Енголсанг чўққидек дардинг қоясин,
Ниятим: шодликлар кўрсам юзингда.

Дарёлар кенгайар, кенгайар ҳаёт,
Кезавер орзулар лозорини.
Жумбоқлар ўзингда, ўзингда қанот,
Кураб ташласанг бас, армон қорини.

САБОТ

Куй надур, оҳанги, авжи бўлмаса,
Сув надур, тўлқини, мавжи бўлмаса.
Қалб надур, тўфони, шавқи бўлмаса,
Оҳсиз, нурсиз кўнгил топарми ором.

Бургутлар шиддати шахдидан маълум,
Қонидан гурлаган ахдидан маълум.
Эрк деган туйғунинг бахтидан маълум,
Моҳсиз, нурсиз кўнгил топарми ором.

Хилол охуларнинг кўзидек маъсум,
Қақраган лабдаги сўзидек маъсум.
Хокисор бобомнинг юзидек маъсум,
Шоҳсиз, нурсиз кўнгил топарми ором.

Мадина ХОТАМОВА,
Навоий вилояти, Кармана тумани,
Зебунисо номли мактаб ўқувчиси.

ЁШЛАР ШИОРИ

Самарқанддаги «Ёшлар маркази»да «Биз ОИТС ва гиёҳвандликка қаршимиз» шиори остида семинар-тренинг бўлиб ўтди. «Сихат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида уюштирилган тадбирда «Камолот» ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими фаоллари, ўқув юртлари талабалари, корхона, ташкилотлардан ўсмир йигит-қизлар қатнашди.

Унда ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом, маънавий баркамол руҳда тарбиялаш, ОИТС касалиги, гиёҳвандлик каби иллатлардан сақланиш, олдини олиш учун ёшлар томонидан бажарилиши лозим бўлган долзарб вазифалар ҳақида сўз юритилди, зарур маслаҳатлар берилди. Асосан нашавандлик ва фоҳиша-бозлик заминидан тарқалиш хавфи кучаяётган ОИТС хасталигига қарши курашишда «Камолотчиларнинг ўрни, зарур юмушлари тўғрисида тақлифлар, тадбирлар ишлаб чиқилди.

Семинар-тренингда таҳсил олган йигит-қизлар ўз тенгдошларидан вазирасида мазкур мавзу-

Хабар

да тарғибот ва ташвиқот ишлари ўтказиш, тиббиёт саводхонлигини оширишга хизмат қилишга бел боғладилар. Тадбирдан кўзланган асосий мақсад рўёбга қикди. Энди навбат ёшларга!

ҲАР ШАНБАДА

Оқдарё туманида «Сихат-саломатлик йили» Давлат дастури доирасида ҳар шанба кунини турли мавзудаги суҳбатлар, анжуманлар ўтказиш доимий одатга айланган. Жорий йилнинг ўтган даври давомида тиббиётнинг долзарб муаммоларига бағишланган 12 та оммабоп маъруза ўқилди. Ана шундай чиқишлар савол-жавоб, мунозаралар билан якунланмоқда.

Эътиборли томони шундаки, аҳоли гиёҳвандлик ва унинг оқибатлари, соғлом турмуш тарзи қирралари, ОИТС каби мавзуларга катта қизиқиш билдираётди. Одамларнинг тиббий маълумотларга жуда қаноқлиги ҳам намоён бўлмоқда, чунки кўпчилик дардини айтолмай, юрагининг бир четида қолиб кетаётган саволларга жавоб топаётди. Тадбирларда Самарқанд тиббиёт

институтининг профессор-ўқитувчилари, тажрибали шифокорлар қатнашиб, зарур маслаҳатлар беришга танлиги айни мудоаодир.

АНИҚ ТАШХИС — ЯРИМ ДАВО

Пойарик туманидаги марказий поликлиникада беморларга аниқ ташхис қўйишга эътибор катта. Поликлиника мудбири Эсонбой Сиддиқов бу ҳақда шундай дейди:

— Ҳозирда поликлиникаларга замонавий ташхис қўйиш ускуналари келтирилди. Бу айрим беморларни бўлар-бўлмаса шахар шифохоналарига текшириш учун юборишга барҳам беради. Флюорография, ЭКГ, лаборатория текширувлари мунтазам ишлаб турибди, — дейди шифокор. — 16 мингдан ортқ аҳоли тиббий хизматдан баҳраманд. Беморга аниқ ташхис қўйишнинг ўзи ярим даво. Бу унинг тез кунда соғайиб кетишига ёрдам беради. Жорий йилда юқумли хасталиклар, камқонлик касалликларининг бир мунча камайиши шунинг натижасидир.

Ҳамза ШУКУРОВ,
Самарқанд вилояти.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Боланинг фанга бўлган ҳаваси ўзи бир гўзаллик, агар у интилиш либоси билан безатилса, гўзалликка гўзаллик қўшилиб бўлади.

Асаб касаллигининг сабаби ҳам, давоси ҳам кўпинча беморнинг ўз уйидан топилади.

Чин дўстнинг муҳим фазилати оқилона маслаҳат ва ўринли ёрдам бера олишидир.

Дўст қадрини билган кишигина, эл қадрини билади.

Оқил ва қалби дарё, омилкор табиб, аввало беморнинг қалбини даволайди.

Нур чехрали уй бекасига эга бўлган хонадон доимо бўстон.

Одобли одам бўз либосга ўранса ҳам чиройли, лекин нодон зарга ўралса ҳам хунук.

Табиат ва жаҳондаги гўзалликлардан заъф олиш жуда яхши, лекин уларга гўзаллик қўша билиш ундан ҳам яхши.

Узоқ умр кўриш ҳар кимнинг энг яхши орзусидир, лекин қариған сайин оқил ва ширин сўз бўлиб яшаш катта санъатдир.

Дилда борини тилда баён эта билиш ҳам тарбиявий маҳоратдир.

Мактаб — ёшлик гулшани, болалар эса унинг бебаҳо ниҳоллари, устоз ўқитувчилар бу боғнинг оқил, миришкор, меҳрибон боғбонларидир.

Энг бахтиёр пиру бадавлат одамлардан бири ўқитувчи деса бўлади. Негаки, у дунёдаги ҳар қандай гавҳардан ҳам қимматли бўлган инсон фарзандини вояга етказиб, уни улуғ ишларга ворис қилиб қолдиради.

Шарафли касб эгаси — ўқитувчи, тарбиялаб ўстирган ниҳолларининг ҳосили қанчадан-қанча авлодларни баҳраманд қилади.

Природа и здоровье

ЛОПУХ – УНИВЕРСАЛ

За этим растением прочно закрепилась репутация сорняка, вто время как о его "талантах" давно известно и докторам, и поварам

Человеку излишне наивному и доверчивому нередко говорят: "Какой же ты лопух!" В этом неслучайно, но неоскорбительном сравнении – внешняя характеристика и самого растения: незатейливого, с мягко-войлочными с изнанки, "простоватыми" по форме листьями, "открытого" к самому широкому ботаническому "соседству". Лопух-то он, конечно, лопух, но пользу приносит, прямо скажем, немалую – он нам и лекарственное сырье, и продукт питания.

"Зеленая" кулинария

Лопух – растение съедобное. В Сибири и на Кавказе его считают овощным. А в далекой Японии его даже разводят в культуре. Молодые листья и стебли лопуха можно использовать для приготовления супов или как самостоятельное блюдо, предварительно отварив в воде. Ближе к осени в пищу идут и корни лопуха, накопившие достаточное количество сахаристых веществ и эфирных масел. Их употребляют как морковь, а высушенные и поджаренные – измельчают в кофемолке и заваривают, как кофе.

Растительная аптека

Лопух – это целебное растение, которое имеет целый ряд положительных качеств и свойств.

В "Травнике" XVIII века читаем: "Свежие листья приложенные унимают жар, вытягивают сырость из опухлых ног, чистят старые раны и разбивают опухоли". В прежние времена при высокой температуре тела больного всего обкладывали свежими листьями лопуха, из них же делали компрессы на больные суставы. Отвар корней лопуха в народной медицине считается одним из лучших мочегонных средств. Его прописывают при почечнокаменной болезни, подагре и других заболеваниях, вызванных нарушением солевого обмена в организме. Помогает отвар корней и при хронических запорах. Как кровоочистительное средство настой корней лопуха рекомендуется при фурункулезе, кожных болезнях, сыпях. Наружное употребление мази из корней лопуха помогает при экземе.

Природная косметика

Лопух – испытанное средство для укрепления волос. Репейное масло, которое представляет собой масляный настой корней лопуха, втирают в кожу головы при выпадении волос, болезнях кожи волосистой части головы.

РЕЦЕПТЫ

При выпадении волос приготовить отвар из 20 г корней лопуха, 10 г ноготков, 15 г шишек хмеля, взятых на 1 литр воды. Этим отваром мыть голову 2 раза в неделю.

При ревматизме и болях в суставах делать ванны из отвара, приготовленного из корней лопуха, травы вереска, крапивы, багульника, татарника, листьев брусники.

Мазь для лечения незаживающих ран: взять 75 г измельченных свежих корней лопуха, залить 200 мл подсолнечного масла, настаивать в тепле сутки, затем прокипятить в течение 15 минут на медленном огне и процедить.



Навбатдаги машгулларимизда сиз энди бевосита саломатлик тўғрисидаги баъзи бир иборалар билан танишиб борасиз.

I feel hot – Я чувствую, что у меня температура – Исцитмам борлигини сеза-йман.

I have a sore throat (foot, eye, ...) – У меня болит горло (нога, глаз, ...) – Менинг томогим (оёгим, кўзим, ...) оғрипти.

I think, I have caught a

ИНГЛИЗ ТИЛИНИ ЎРГАНАМИЗ

cold – Я думаю, что у меня простуда – Мен шамоллаб қолдим, шекилли.

I have a heart trouble – У меня болит сердце – Юрагим оғрипти.

I had a heart attack – У меня был сердечный приступ – Юрагим чангаллаб оғриди.

I am ill – Я болен (больна) – Мен касалман.

I feel ill with the griппe (quinsy) – У меня грипп (ангина) – Мен гриппман (ангинаман).

I am better – Мне лучше – Мен анча тузалиб қолдим.

My nose is clogged up – У меня заложен нос – Бурним битиб қолди.

My head is swimming – У меня кружится голова – Бошим айланяпти.

Намоз ТОЛИПОВ

Билиб кўйган яхши

ЯНА ЧОЙ ҚАҚИДА

Маълумки, кофеин моддаси одам мияси марказий асаб тизими фаолиятини яхшилайдиган. Мазкур модда ҳам чойнинг асосий таркибий қисмларидандир.

Танин ва кофеин моддаларнинг борлиги туфайли ҳам чой киши танасини мустаҳкамлайди, тетиклаштиради. Булардан ташқари, чой таркибида учувчан эфир ёғлари ҳам борки,



улар чойни хушбўй қилади. Бундай хусусият фақат янги дамланган чойдагина бўлади. Қуруқ чойда тиамин, аскорбин ва пантотен кислоталари каби витаминлар ҳам бор. Баъзи кишилар чойни хаддан ташқари аччиқ дамлашади. Хаддеб аччиқ чой ичавериш ҳам танага зиён етказиши. Чойнинг аччиқ-суяқлиги метьрида бўлгани маъқул. Кези келганда шуни ҳам айтиш жоизки, паршохонтирлик, кўкрак қисиши, гипертония, ошқозон шиллик қаватининг яллиғланиши касалликлари бўлган кишиларнинг аччиқ чой ичишлари тавсия этилмайди.

ОСОҢ ИШ-У, АММО...

Тиш тозалаш жуда осон иш-у, лекин бунга бажаришга кўпчилигимиз кунт қилмаймиз ёки, тўғрироғи эринамиз. Тиш оғриғини кўрмай десангиз, ҳар қуни эрталаб ва кечқурун тишларни тозалаб туриш зарур. Олимлар олиб борган жуда кўп тадқиқотларда тиш оғриғи билан оғиз бўшлиғи гигиенаси ўртасида ажралмас боғлиқлик мажбуллиги исботланган. Оғиз бўшлиғига парво қилмайдиган кишиларнинг тишлари бошқаларникига нисбатан кўпроқ ва тез-тез касалланади. Оғиз бўшлиғи гигиенаси деганда, тишларни овқат қолдиқларидан тозалаб туришгина тушунилмайди. Олиб борилган биокимёвий, радиологик тадқиқотлар шундан далолат берадики, оғиз бўшлиғи ва тишларни мунтазам тозалаб туриш тиш эмалининг мустаҳкам бўлишига ёрдам беради. Бунда тиш тўқималари фосфор кальцийли тузлар, турли микроэлементлар билан бойиб, ҳар хил нуқулдай таъсиротларга чидамлик бўлади.

А. АЛИЕВ
тайёрлади.



Олтин кузнинг хазонрез дамлари бошланди.

Советы эрудита

ПОТЕЙТЕ НА ЗДОРОВЬЕ

Самый большой орган выделения в организме – это кожа с ее миллионами пор и потовых желез. Выделение пота имеет двойную цель: помогает избавиться тело от загрязнения и регулирует температуру тела: Когда тело разогревается в результате активной деятельности, то приходят в действие потовые железы. Испаряющийся пот охлаждает кожу, которая достигает поверхности кожи, и таким образом предохраняет тело от перегрева. Кроме этого, удаляются из организма «шлаки», находящиеся на поверхности тела. Именно эти выделения, смешанные с грязью, находящейся на кожном покрове, придают поту неприятный запах.

Если кожа чистая, то остается только хороший запах здорового тела. А поэтому не обращайте внимания на рекламы фирм, выпускающих дезодоранты.

Танцы, прогулки, езда на велосипеде, энергичная работа по дому... любой вид деятельности, который заставляет вас потеть, улучшает сердечную деятельность и общее состояние. Интенсивные нагрузки никогда не причиняют вреда здоровому человеку.

ЩАВЕЛЕВЫЙ СОК

Сок щавеля великолепно помогает в восстановлении выдыхающих. Этот овощ богат оксалатом калия, который ценен для человека только в его органическом состоянии. Никогда не следует употреблять щавель в вареном виде.

Щавель содержит особенно большое количество железа и магния, в которых постоянно нуждается кровь и огромное количество очищенных элементов – фосфора, серы и кремния, которые необходимы всем частям организма, от головы до ног.

Совокупность этих богатых элементов делает щавелевый сок очень ценным для питания всех желез человеческого тела.

КАК ВОССТАНОВИТЬ СВОЕ ЗДОРОВЬЕ


Одно из самых замечательных свойств человеческого организма – способность восстанавливаться. Если вы, например, порежетесь, то вскоре новая ткань заменит поврежденные клетки и рана заживет. Если у вас перелом кости, то она срастется и станет еще крепче,

чем прежде. Любая полученная травма сравнительно быстро заживает, если вы хоть немного об этом позаботитесь.

Менее очевиден вред, который вы наносите организму в течение многих лет, ведя неправильный образ жизни. Однако организм может достаточно хорошо восстановиться после долгого пренебрежительного к нему отношения, если вы не пожелаете времени и усилий.

Однако не ожидайте мгновенного чуда. Вам потребовалось много времени, чтобы разрушить свой организм, поэтому нужно время и на его восстановление.

Из книги
«ЭНЦИКЛОПЕДИЯ
ЗДОРОВЬЯ».



Gazeta muassisi:

O'zbekiston
Respublikasi
Sog'liqni saqlash
vazirligi

Bosh muharrir:
Po'lat MIRPO'LATOV.
Ibrochi muharrir:
Ibodot SOATOVA.

Tahrir hay'ati raisi: F. NAZIROV.

Tahrir hay'ati a'zolari: B. ARIPOV (Bosh muharrir o'rinbosari), B. ALIMOV, G. ISLOMOVA, O. MIRTAZAYEV, O. MUHITDINOVA, M. MIRALIEV (Bosh muharrir o'rinbosari), B. NIYAZMATOV, F. OQILOV, N. OTABEKOV, X. RABBANAYEV, R. SOLIXO'JAYEVA, N. TOLIPOV, M. TURUMBETOVA, A. UBAYDULLAYEV, F. FUZAYLOV, N. SHARPOV.

Manzillimiz: 700060, Toshkent, Oxunboboev ko'chasi, 30-uy, 2-qavat. Tel/faks: 133-57-73; tel. 133-13-22. Gazeta O'zbekiston Respublikasi Matbuot va axborot agentligida 2003-yilning 17-noyabr kuni ro'yxatga olingan, guvohnoma raqami 211. Adadi 9,250 nusxa. O'zbek va rus tillarida chop etiladi. Haftaning seshanba kunlari chiqadi. Maqolalar ko'chirib bosilganda «O'zbekistonda sog'liqni saqlash»dan olindi deb ko'rsatilishi shart. Buyurtma f-953.

Gazeta «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasida chop etiladi. Korxona manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41. Hajmi 2 bosma tabaq. Format A3. Ofset usulida bosilgan. Gazeta IBM kompyuterida terildi va sahifalandi. E'lon va bildiruvlardagi fakt hamda dalillarning to'g'riligi ushbu reklamaga va e'lon beruvchilar mas'uldir.

Sahifafovchi: Baxtiyor QO'SHOQOV.
Boshmaxonaga topshirish vaqt 19.00.